

657
732



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ
МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ
ВА УНГА ШАРҲ**



**НАЦИОНАЛЬНЫЙ СТАНДАРТ
БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
И КОММЕНТАРИЙ К СТАНДАРТУ**

"МОЛИЯ"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ
МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ
ВА УНГА ШАРҲ



НАЦИОНАЛЬНЫЙ СТАНДАРТ
БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
И КОММЕНТАРИЙ К СТАНДАРТУ

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва унга шарҳ: БҲСМ-1, ҳисоб сисъати ва молнявий ҳисобот. — Т.: «Молня», 1999. — 120 б.

Муқова, титул varaғи ва матн параллел ўзбек ва рус тилларида.

Мазкур нашр бухгалтерлар, аудиторлар, молня ва солиқ хизмати ходимлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоби соҳаси бўйича мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юрлари, коллежлар, техникумлар ва лицейлар, ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар ҳамда бухгалтерия ҳисоби соҳасида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар ҳақидаги зарур ахборотлар билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Ушбу бухгалтерия ҳисоби миллий стандартнинг муаллифлик ҳуқуқи фақат Ўзбекистон Республикаси Молня вазирлиғига тегишли. Ўзбекистон Республикаси Молня вазирлигининг ёзма руҳсатсиз мазкур нашрдан тўлиғича ёки қисмларга бўлаб ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда чоп этиб фойдаланиш, таржима қилиш, нуска кўчириш, ушб олиш, сақлаш мумкин эмас.

Данное издание предназначено для бухгалтеров, аудиторов, работников финансовых и налоговых служб, для преподавателей и учащихся (студентов) Высших учебных заведений, колледжей, техникумов и лицеев, а также всех, кто заинтересован в изучении бухгалтерского учета и получения необходимой информации об экономических преобразованиях в этой области.

Издание Национального стандарта бухгалтерского учета является авторским правом Министерства финансов Республики Узбекистан. Ни одна часть этой публикации не может быть переведена в какой либо форме по частям или в целом, электронным, механическим или другим способами известными или изобретенными в последствии, включая форму копирования и записи, получения и хранения информации без письменного разрешения Министерства финансов Республики Узбекистан.

Э. Ф. Гадоев, Т. И. Жураев таҳрири остида

Нашр учун масъул — А. Мойдянов

© Ўзбекистон Республикаси Молня вазирлиғи, 1999.

© Ўзбекистон Республикаси Банк-молня академияси
«Молня» нашриёти, 1999.

ХУРМАТЛИ КИТОБХОШЛАР!

Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, барча иқтисодий кўрсаткичларнинг халқаро мезонлар билан таққослашни тақозо этади.

Маълумки, республикада «Бухгалтерия ҳисоби ҳақида»ги қонун амал қилмоқда. Бу қонун халқаро ташкилотларнинг экспертларининг фикри бўйича анча мукаммал бўлиб, халқаро талабларга жавоб беради.

Республикада бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш босқинчи амалга оширилмоқда.

Шу кунга қадар бир қатор қонуний ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, булар: «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом, корхоналарнинг молиявий ҳужжалиқ фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счетлари режаси ва бошқалардир.

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш элементларидан бири ҳисобланган стандартлардан 18 таси ишлаб чиқилди ва амалга келтирилди.

Ушбу стандартлар халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб улар хорижий мутахассислар талонида юқори баҳоланди.

Уйлаймизки, республикада бухгалтерлари, аудиторлари, молия, банк, божхона ва солиқ ходимлари ўз вазифаларини муваффақиятли амалга оширишида ушбу стандартлар дастуруламал бўлади.

Сизларга машаққатли ва муҳим ишларингизда муваффақиятлар тилаб,

Р. АЗИМОВ, Ўзбекистон Республикасининг Молия вазири

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг турли халқаро ташкилотларда фаол қатнашиши, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши жараёнида иқтисодий кўрсаткичларни хорижий мезонларга таққослаши ҳисобнинг услубий тамойилларини жаҳон амалиётида қабул қилинган стандартлар талабига жавоб беришини таъминлашни талаб этади.

Маълумки, Ўзбекистонда «Бухгалтерия ҳисоби ҳақида»ги (1996, 30 август) қонун (халқаро мутахассисларнинг берган баҳосига кўра халқаро даражадаги қонунчилик ҳужжати) амал қилмоқда. Республикада бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш, бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш, яъни уни қайта ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бу жараён бозор муносабатига ўтиш билан узвий алоқада амалга оширилмоқда.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасида ислоҳотларни бундан буён ҳам амалга оширишни таъминлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС)ни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш зарур. Бу ўз навбатида қатор иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

БҲМСдан асосий мақсад миллий ва хорижий мутахассисларнинг ҳисоб сифати ва ҳисобот ахборотини тушунишларидаги фарқни бартараф қилишдан иборатдир.

Бунинг учун, аввало, халқаро талабларга асосан бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солувчи миллий тизимни яратиш лозим.

БҲМСга асос қилиб халқаро стандартлар олинган бўлса-да, лекин у миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Халқаро амалиёт талабларига жавоб бера оладиган, тегишли ҳуқуқий мақомга эга БҲМС мулкнинг барча шаклларидаги корхоналарнинг молиявий ҳисоботига бўлган ишонччи таъминловчи республикадаги бухгалтерия ҳисобининг сифати ва ишончлилигини халқаро миқёсда тан олиншининг асосий шартидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби ҳақида»ги қонуни ва БҲМС бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришнинг кенг ҳуқуқий асосларини яратишга асос бўлади, натижада, чет эл сармояларини республика иқтисодиётига жалб этилишини таъминлайди.

Чет эллик шерикларнинг талабларини ўрганиш бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ягона концепциясини яратишни, унда чет эл сармоясининг халқаро талаблар асосида ҳаракатланиши очик акс этирилишини ҳамда бу сармоядорлар учун тушунарли бўлишини талаб этади.

Бу корхонани бошқариш тизими ва ахборотга эҳтиёжи бўлган ташқи истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, маълумотларни қисмларга ажратиш заруриятини асословчи ҳисобот тузишга таъсир этади.

БҲМС қабул қилингунга қадар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини услубий ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-қарори билан қабул қилинган Низомга асосланган. Кейинги йиллар мобайнида бухгалтерия ҳисоби тизимида муайян ўзгаришлар юз бериши натижасида юқорида қайд этилган қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-қарори билан бекор қилинди.

Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси «Бухгалтерия ҳисоби ҳақида»ги қонунининг 5-бандига мувофиқ Европа ҳамжамияти «TACIS» лойиҳаси билан ҳамкорликда 1997 йил февралдан Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ишлаб чиқишга киришди. Ҳозирга келиб 18 та стандарт ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, шулардан 15 таси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

1997 йилда БҲМС ишлаб чиқиш бўйича илгчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ўринбосари Э. Гадов, Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармасининг бошлиғи Т. Жураев, ДСҚ бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш услубияти бўлими бошлиғи С. Голосова, Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси Н. Елисеева, ДМҚ қошидаги корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича кўмита раиси ўринбосари Н. Хасанов, ДМҚ бухгалтерия ҳисоби ва молия департаменти

бошлиғи С. Нажмиддинов, ТДИУ солиқ ва солиққа тортиш кафедраси мудири А. Пардаев, Самарқанд кооператив институту доценти К. Ғуроёв ва стандартлар бўйича миллий эксперт В. Фоминалар киритилди.

Корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерлари, молия ва солиқ муассасаларининг ходимлари, бухгалтерия ҳисоби соҳаси бўйича мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртлири, коллеж, техникумлар ва лицейлар, ўқитувчи ва ўқувчилар, талабалар ва бошқаларни таъминлаш учун бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг ҳар бири бўйича наشرлар изоҳлари туркумини чоп этишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси билан ҳамкорликда наشر қилиш ҳуқуқи Банк-молия академияси қошидаги «Молия» нашриётига берилди. Мазкур туркумга оид наشرлар мунтазам равишда чоп қилиб борилади. Уйлаймизки ушбу туркум, китобчалари бухгалтерларнинг чўнтак китоби бўлиб қолади ва жойларда уларнинг ишени енгиллаштиради, шунингдек, амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимини БҲМС талабига мос равишда ислоҳ қилишни тезлаштиради.

БҲМС нашрга тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшганларнинг барчасига, айниқса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси ходимларига, Банк-молия академияси қошидаги «Молия» нашриётига, ТДИУ «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва ХФТ кафедра»сининг доценти О. Бобожоновага самимий миннатдорчилик билдирамыз.

Ушбу китоб БҲМС яратиш бўйича биринчи наشر бўлиб, уни яна ҳам такомиллаштиришга ёрдам берадиган барча таклиф ва мулоҳазаларни хурсандчилик билан қабул қиламыз ва бунинг учун уларга олдиндан миннатдорчилик билдирамыз.

Бизнинг манзил: Тошқент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи.

**Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби
ва аудит услубияти
бошқармасининг бошлиғи**

Т. Жўраев

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1998 йил 26 июлдаги
17—07/86-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон
билан рўйхатга олинган Йўриқномасининг ўзбек тилидаги мазмуни

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ
МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ
ВА УНИНГ ШАРҲИ**

БҲМС № 1

**ҲИСОБ ЮРИТИШ СИЁСАТИ
ВА
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ**

БАҲДАРНИНГ ПОМЛАНИШИ

Баҳдарнинг помланиши	Баҳдар
Кириш	
Умумий қондалар	1
Стандартнинг мақсади	2-8
Фаолият соҳаси	9-11
Молчивий ҳисоботнинг таркиби	12-13
Қўшимча маълумотлар	14-15
Асосий тамойиллар	
Ҳисоблаш қондаси	16
Икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш	17
Уздуксизлик	18
Ҳужалик муомалалари, активлар ва пассивларни баҳолаш	19
Ишонччилик	20
Эҳтиёткорлик	21
Мазмуннинг шаклдан устуңлиги	22
Кўреаткичларнинг қиссийлиги	23-28
Молчивий ҳисоботнинг бетарафлиги	29
Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси	30
Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги	31
Тулғунарчилик	32
Аҳамиятлилик	33
Муҳимлик	34-38
Ҳаққоний ҳолис тақдим этиш	39
Тугатилганлик	40
Ирчилик	41-43
Ўз нақидчилик	44-45
Оффсетнинг (моддаларинини ўзaro қоплашини)	46-48
Ҳолислик (объективчилик)	49-50

Ҳисоб юритиш енаёати	51-56
Молниявий ҳисоботларнинг асосий ўхшашлик (бир хиллик) кўрсаткичлари	57-59
Ҳисобот лаври ва ҳисобот санаси	60-61
Молниявий ҳисоботни тақдим этиш	62-65
Бухгалтерия баланси	
Бухгалтерия балансининг мақсади	66
Айланма (жорий) ва узоқ муддатли активлар орасидаги фарқ	67-68
Айланма (жорий) активлар	69-71
Узоқ муддатли активлар	72
Қисқа муддатли (жорий) мажбуриятлар	73-75
Қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларни қайта молниялаш	76
Бухгалтерия балансида акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар	77-79
Изоҳларда, ҳисобларда ва тушунтиришларда берилган маълумотлар	80-81
Молниявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот	
Молниявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади	82
Молниявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларга берилиши зарур бўлган маълумотлар	83
Изоҳларда, ҳисобларда ва тушунтиришларда берилган маълумотлар	84-85
Асосий воситаларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот	86
Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот	87-88
Шахсий капитал тўғрисида ҳисобот	89
Молниявий ҳисоботнинг изоҳлари, тушунтиришлари ва ҳисоблари	
Изоҳлар, ҳисоблар ва тушунтиришларни тузиш мақсади	90
Изоҳларнинг таркиби	91-93
Ҳисоб енаётининг ёритиши	94-96
Бошқа ёритилишлар	97

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти (БҲМС)¹ Ўзбекистон Республикасининг „Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида“ги қонуни асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

Стандартнинг мақсади

2. БҲМС хўжалик юритувчи субъектларнинг ўтган давлари учун молиявий ҳисоботларни, шунингдек, турли хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларини қисқаштириш таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботни шакллантириш ва тузиш асосларини белгилаб беради.

Ушбу мақсадга эришиш учун мазкур стандарт хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот асосида бўлиши лозим бўлган концепцияларни, молиявий ҳисобот мазмунига қўйиладиган минимал талабларни назарда тутди.

Айрим муомалалар ва ҳолисаларни батафсил баҳолаш ва ёритиш бўйича талаблар бошқа БҲМСда мукамал ва чуқур баён қилинади.

Ушбу стандарт молиявий ҳисоботдан ташқари бериладиган маълумотларга бўлган талабларни баён қилмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларига қўшимча ахборот сифатида молиявий шартлар беришлари мумкин.

3. Ушбу стандартда ҳисоб юритиш сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисобот, уларнинг қоидалари ва асосларига мос усулларнинг қўлланилиши тушунилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига хўжалик фаолиятини тасдиқловчи далилларни баҳолаш ва гуруҳлаштириш усуллари, активларнинг қийматини тўлаш, ҳужжат айирбошлашнинг таъқиқ этиш, инвентаризация ўтказиш, бухгалтерия ҳисоби сўтларини қўллаш йўллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборот ишлаб чиқиш ва бошқа тегишли усуллар кирати.

¹ Келгусида «Стандарт ёки БҲМС» деб юритилган.

4. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сисёати субъект раҳбари томонидан ушбу БҲМС асосларида тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни йилма йил қисёлаш мумкин бўлиши учун тузилади.

5. Молиявий ҳисобот алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиши ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар бажарадиган, хўжалик юритувчи субъектга таъсир кўрсатувчи молиявий ҳодисаларни ва муомалаларни қайд қилиш усули ҳисобланади.

6. Молиявий ҳисоботларнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, унинг фаолияти ва субъектнинг пул маблағлари ҳаракати бўйича маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарурдир.

Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг имкониятларини ва раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

7. Ушбу стандарт мақсадларига эришишда ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун пул маблағлари келажакда ва қисман, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентини шакллантириш имкониятлари ҳамда муддатлари ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиши керак. Бунинг учун молиявий ҳисоботларда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

7.1. Хўжалик юритувчи субъектнинг назорати остида бўлган активлар (келажакда нақд пул маблағлари ёки бошқа иқтисодий фойдаларнинг камайиши эҳтимоли асослари) ҳақида;

7.2. Хўжалик юритувчи субъектнинг пассивлари (келажакда пул маблағлари ёки бошқа иқтисодий фойдаларнинг камайиши эҳтимоли асослари) ҳақида;

7.3. Хўжалик юритувчи субъектнинг тақсимланмаган даромади ва хўжалик юритувчи субъектнинг бир даврдан бошқа даврга иқтисодий имкониятлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлар ҳақида (эгаллик қилувчиларнинг бадаллари ва эгаллик қилувчиларга тўланган тўловлар бўлган мустаёсно);

7.4. Пул маблағлари ҳаракати (келажакда пул оқими ҳаракати имкониятининг сифат кўрсаткичи) ҳақида;

Ушбу ахборот молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъектнинг дивидендларни ва фоизларни тўлаш, шунингдек, мажбуриятлари бўйича муддати келган тўловларни тўлаш имкониятларини баҳолаш учун асос бўлади.

8. Хўжалик юридувчи субъектнинг раҳбари хўжаликнинг ҳисоб сиёсатига, шунингдек, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишда қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўлади.

Фаолият соҳаси

9. Ушбу стандарт умумий йўналишдаги молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилади, уларнинг рўйхати мазкур стандартнинг 12-бадида келтирилган.

Алоҳида хўжалик юридувчи субъектларнинг молиявий стандарт ҳисоботларини тайёрлашда ҳам ёки улар бўйича умумлашган ҳисоботларни тайёрлашда ҳам ушбу стандартга амал қилинади.

10. Мазкур стандарт:

10.1. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш бобида — мулкчиликнинг туридан қатъий назар барча хўжалик юридувчи субъектларга;

10.2. Ҳисоб сиёсатини ёритиш бобида ўзининг молиявий ҳисоботларини қонун ҳужжатларига ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки ўз ташаббуси билан эълон қилувчи хўжалик юридувчи субъектларга жорий қилинади;

11. Ушбу БҲМСнинг амал қилиши банклар, бюджет ва суғурта ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини тузиш тартибига жорий қилинмайдиган.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби

12. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ (16-модда) йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги умумий молиявий ҳисобот шаклларида ташкил топади:

12.1. Бухгалтерия баланси — 1-шакл;

12.2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-шакл;

12.3. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот — 3-шакл;

12.4. Пул оқими тўғрисида ҳисобот — 4-шакл;

12.5. Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот — 5-шакл;

12.6. Эслатмалар, ҳисоблар ва иттиҳотлар.

13. Чораклик (даври) ҳисоботлар йиллик ҳисоботлардан молиявий ҳисоботлар шакллари сонининг камроқ бўлиши билан ажралиб туриши мумкин.

Қўшимча маълумот (эслатмалар, ҳисоблар ва изоҳлар)

14. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти кўп қиррали бўлишига учун молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул қилишлари зарур бўлган барча маълумотлар билан таъминлай олмайди. Йиллик ҳисоботлар молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда маълумотлар томонидан тузилган молиявий шарҳни ўз ичига олиши керак, чунки у хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти, молиявий аҳволи ва уларга дуч келган асосий воқеаларни ташвиштиради.

Ушбу шарҳда хўжалик юритувчи субъект фаолияти натижаларига, мазкур фаолиятни қўллаш ва мустақамлашга, шунингдек, жорий ва келажак даврлар дивидендидаги сиёсатига таъсир этувчи асосий омиллар ёритилади, хусусан:

14.1. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий манбалари ва таваккалчиликни бошқариш;

14.2. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятига кўрсатаётган ташқи муҳитнинг ўзгариши, унинг ушбу ўзгаришларга муносабати ва уларнинг субъект фаолиятига таъсири;

14.3. Фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиниши учун муҳим бўлган бошқа маълумотлар.

15. Қўшимча маълумотлар: изоҳлар, эслатмалар ва ҳисоблар хўжалик юритувчи субъект томонидан махсус шаклларда, шунингдек, ихтиёрий кўринишда тақдим этилади.

Ҳисоблаш тамойили

16. Молиявий ҳисобот пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдан ташқари, ҳисоблаш тамойили асосида тузилади.

Ҳисоблаш тамойилига асосан активлар, пассивлар ўз капитали, даромадлар, харажатлар, хўжалик муомалалари ва ҳодисалар содир этилган (ёки нақд олинган) пайтда бухгалтерия ҳисобида кўрсатилади, улар бўйича пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти олинган ва тўланган вақт бундан мустасно.

Ҳисоблаш тамойили асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга нафақат пул маблағларини тўлаш ва олиш бўйича аввалдан ўтказилган муомалалар тўғрисида, шунингдек, келгусида пул маблағларини тўлаш мажбуриятлар тўғрисида ҳам тегишли иқтисодий қарорлар қабул қилинишида зарур бўладиган ахборотлар беради.

Икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш

17. Икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш тамойили хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия муомалаларини икки ёқлама ёзиш тизими асосида юритиши кераклигини билдиради. Икки ёқлама ёзиш тизими содир бўлган хўжалик муомаласи бўйича тегишли суммани битта счеҗнинг дебет томонига ва айнан шу суммани иккинчи счеҗнинг кредит томонига қайд қилишдан иборат бўлади.

Узлуксизлик

18. Молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект доимий фаолиятни номаълум узоқ муддатгача давом эттиради деган қоида бўйича тайёрланади, яъни хўжалик юритувчи субъектга ўзининг муомалалар бўйича фаолиятини жиддий қисқартириш ёки тугатиш эҳтимоли ва ҳаракатига эга бўлмайди.

Агар раҳбар хўжалик юритувчи субъектни тугатиш ёки унинг фаолият доирасини қисқартириш, ёки шунга олиб кетувчи шароитлар ва муҳит бўлса, молиявий ҳисоботда бериладиган изоҳларда шу фактни ва узлуксизликдан чекиниш сабабларини ёритиши зарур бўлади.

Узлуксизлик қоилдаси бухгалтерия ҳисоботини юригиш муддати хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиш муддатига, мос келиши кераклигини, яъни бухгалтерия ҳисоби субъектни тугатиш ёки банкрот бўлунига қадар олиб борилиши кераклигини билдиради. Ҳз фаолиятини тугатган кундан бошлаб ушбу субъект бухгалтерия ҳисоби юригишни тўхтатади.

Хўжалик муомалалари, активлар ва пасивларни баҳолаш

19. Барча хўжалик муомалалари, воқеалар, активлар ва пасивлар ягона, бир турдаги пул баҳосида ўлчаниши керак.

Ўзбекистон Республикасида сўм ва унинг қисми — тийин пул ўлчови ҳисобланади.

Ишонччилик

20. Ахборот, агар унда жиддий ёки ғайирли хатолар бўлмаса, фойдаланувчилар унга ишонсалар, ишончли ҳисобланади.

Муомалалар ва воқеаларнинг ишонччилиги бирламчи ҳисоб хужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Эҳтиёткорлик

21. Эҳтиёткорлик молиявий ҳисоботда активлар ва даромадларнинг баҳоси оширилган ва мажбуриятлар ёки харажатларнинг баҳоси пасайтирилган ҳолда (етарли баҳоланмай) кўрсатилишига йўл қўймасликдир.

Ушбу шартга риоя қилиш яширин резервларни ҳосил қилиш ёки активлар ва даромадларни, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб пасайтириб ёки бўрттириб кўрсатиш орқали кўпайтириб таъминлаш ҳуқуқини бермайди.

Мазмуннинг шаклдан устулиги

22. Агар ҳисоб ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботларда муомалалар ва ҳодисаларнинг мазмуни ишончли аке этирилса, унда ушбу ахборот молиявий ҳисоботда ҳисобга олиниши ва кўрсатилиши керак.

Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги

23. Молиявий ахборот фойдали ва мазмули бўлиши учун ҳар хил ҳисобот даврларига қиёсланиши керак. Фойдаланувчилар субъектнинг молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланадиган ҳисоб сиёсатидан, ушбу сиёсатдаги барча ўзгаришлар ва уларнинг натижаларидан бохабар бўлишлари керак.

24. Молиявий ҳисоботда барча қиёсий ахборотни аввалги даврдаги маълумотлар билан ҳам ёритиш зарур. Молиявий ҳисоботда ўтган давр шарҳланган ёзма ахборот жорий ҳисобот даври учун тақдим этилган ҳамда янгиланган бўлиши керак, чунки жорий ҳисобот даври молиявий ҳисоботларнинг объектив тақдим этилиши учун зарур бўлсагина амалга оширилади.

25. Молиявий ҳисобот бандларини гуруҳлаштириш ёки тузатишлар киритишда жорий маълумотлар билан қиёсланиш таъминлаш учун қиёсланадиган сумма қайта тасниф қилиниши ҳамда бир вақтнинг ўзида сумманинг характери ва қайта тасниф қилиниш сабаби ёритилиши керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, яъни суммалар қайта тасниф қилинган бўлса, ҳужалик юритувчи субъект қайта тасниф қилиш сабаблари ва тузатишлар характерини ёритиши керак.

26. Агар ахборот фақат тақдим этиш учун хизмат қилса, (масалан, давр боши ва охирига моддий ва моддий активлар бўйича қолдиқларни солиштириш) улар учун қиёслаш ахбороти талаб этилмайди.

Қиёсий ахборотни тақдим этиш талаблари доираси янги стандартлар ишлаб чиқиш ва амалдагиларни ўзгартириш билан қисқартирилиши, агарда стандартдан биринчи марта фойдаланишга ётган бўлса янги ва қайта кўрилган стандартларнинг қолидалари қиёсий ахборот тақдим этишни талаб қилмаслиги ҳам мумкин.

27. Шундай ҳолатлар мавжудки, натижада жорий давр билан қиёслаш мақсадида қиёсий ахборотни қайта тасниф қилиш

мумкин бўлмай қолади. Масалан, ўтган даврда ахборот уни қайта тасниф қилиш ва ахборотларга ўзгартириш киритишга имконият қолдирмайдиган даражада йиғилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда қиёсланаётган суммаларга киритилиши мўлжалланган тузатишларнинг хусусияти ёритилиши керак.

28. Қиёслаш қондасига риоя этиш учун қуйидаги шартларни бажариш керак:

28.1. Барча ахборотларнинг миқдорига нисбатан талаблар;

28.2. Ҳисоботга ушбу йилда тақдим этиладиган ёндашувларнинг ўзгариши билан қиёслаш мақсадида ўтган давр учун ахборот қайта тасниф қилиниши керак;

28.3. Агар қайта тасниф қилишнинг мутлақо иложи бўлмаса, унда қайта тасниф қилинганида аниқланиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг сабаблари ва хусусияти ёритилиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги

29. Молиявий ҳисоботнинг ишончли бўлиши учун унда келтирилган маълумотлар аввалдан гайрли хатолардан холис бўлиши шарт.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси

30. Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш шартли уларнинг таннархи ёки сотиб олинган нархи баҳолаш учун асос бўлишини назарда тутати.

Стандартларда кўрсатилган баъзи бир ҳолларда ҳақиқий баҳолар сотиб олиш нархидан фарқ қилиши мумкин.

Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги

31. Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги фақат ушбу ҳисобот даврида даромад олишни таъминлаган харажатлар акс эттирилишини билдиради. Агар айрим қўриқчидаги харажатлар ва даромадларнинг бевосита боғлиқлигини аниқлаш қийин бўлса, харажатлар бир неча ҳисобот давлари орасида тақсимотнинг бирон-бир тизими асосида тақсимланади. Бу, масалан, амортизация харажатларига тааллуқли бўлиб, бир неча йилга тақсим қилинади.

Тушунарлик

32. Молиявий ҳисоботларда - берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши керак.

Аҳамиятлилик

33. Молиявий ахборотларнинг аҳамияти шундаки, фойдаланувчиларнинг қарор қабул қилиш ва муомала жараёнида молиявий ва ҳўжалик фаолиятини баҳолаш, эҳтиёжларини тездорлик билан қондириш керак.

Ахборотнинг моҳияти ва қиймати унинг аҳамияти даражасига таъсир этиши мумкин.

Муҳимлик

34. Ахборот агар тушириб қолдирилганда ёки нотўғри тасаввур қилинганда, молиявий ҳисоботлар асосида ахборотдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилишларига таъсир этса, муҳим ҳисобланади.

35. Молиявий ҳисоботларнинг битта моддасида акс эттирилган суммалар бир хил хусусиятли ёки бир хил йўналишли умумлаштирилган суммалар бўлиб, улар алоҳида-алоҳида акс эттирилиши мумкин эмас.

Агар ахборот алоҳида ҳолда ҳам, шунингдек, умумлаштирилган ҳолда ҳам муҳим бўлса, унда бошқа ахборотлар билан яхлитлигича ўрганилиши керак эмас. Шу муносабат билан ахборотнинг ёритилмаслиги фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир этсагина, ушбу ахборот муҳим ҳисобланади.

Муҳимлик тушириб қолдирилган аниқ ҳолатлар кўрилаётган банднинг ҳажмига боғлиқ бўлади.

36. Молиявий ҳисобот ҳўжалик муомалаларининг хусусияти ва моҳияти жиҳатидан гуруҳларда тузилмавий умумлаштириш натижаси ҳисобланади. Умумлаштиришни ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган жуда қисқа ахборотни тақдим этишдир, чунки молиявий ҳисоботлар банд кўринишида ва изоҳларда берилган бўлади.

Шунингдек, молиявий ҳисоботда айрим кўрсаткичларни ажратиб ёки бошқа кўрсаткичлар билан қўшиб кўрсатиш ҳам

муҳим ҳисобланади. Шунинг учун актив ва пасивларнинг ёки даромад ва харажатларнинг айрим бандлари муҳим бўлмаса, унда бир пайтда банднинг, бандларнинг характери, ҳажми ҳамда муҳимлиги баҳоланади. Муҳимликдан келиб чиқиб, банднинг ҳажми ёки хусусиятини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

37. Агар аввал ахборот муҳим бўлмаса, унда БҲМСда кўзда тутилган ёритилиш талабларини бажаришга ҳожат қолмайди. Агар ҳамма фойдаланадиган молиявий ҳисоботларнинг бир банди муҳим ахборот бошқа бир муҳим ахборот билан қўшиб берилган бўлса, унда ушбу ахборотларни молиявий ҳисоботларга берилган изоҳларда алоҳида ёритиш зарур.

38. Муҳимлик тақдим этилган ҳисоботдаги маълумотларнинг тушунарлилиқ ва аниқлилиқ даражаси билан боғлиқ. Аниқлиқ даражаси ахборотни минггача ёки миллионгача умумлаштирилганда, ҳам муҳимлилиқ даражаси бузилмагунга қадар қўлланилади.

Ҳаққоний ҳолис тақдим этиш

39. Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларда субъектнинг молиявий ҳолати, муомалалар натижалари, пул маблағлари ҳаракати ҳақида ҳаққоний ва ҳолис тасаввур ҳосил қилиши керак.

Тугатилганлик

40. Ишончлилигини таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботдаги ахборот тўлиқ ва тугатилган бўлиши керак.

Изчиллиқ

41. Фойдаланувчилар ҳужалиқ юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгариш йўналишларини аниқлаш учун турли даврлардаги ҳисоботларни қиёслаш имкониятига эга бўлишлари керак.

42. Агарда ҳужалиқ юритувчи субъектнинг муомалалари хусусиятидаги жиддий ўзгаришлар ёки ҳисоботни тақдим этиш турларини ўзгартириш лозимлигини тақозо этмаса, молиявий ҳисобот бандларини гуруҳлаштириш ва тақдим қилиш тартиби даврдан даврга сақланиб қолиши керак.

43. Сотиб олинган, чиқарилган ёки хўжалик юритувчи субъектнинг муомала фаолиятидаги бошқа муҳим ўзгаришлар вақт-вақти билан молиявий ҳисоботнинг шарҳидаги ўзгаришлар киритиб, молиявий ҳисоботни тақдим этишни мақсадга мувофиқ қилади. Бундай ҳолларда, субъект муҳимлик ва қиёсийлик қондаларини сақлаб қолишга эришиши керак. Агар, қайта қўрилган тизилма узоқ муддат сақланиб қоладиган бўлса, унинг муқобилини бериш устивор ва муқаррар бўлса, у молиявий ҳисоботни тақдим этишни ўзгартириши мумкин. Ҳисоб сиёсати бир даврдан бошқа даврга изчил ўтказилиши назарда тутилади.

Ўз вақтидалик

44. Ахборот ўз вақтида тақдим этилсагина фойдали ҳисобланади. Молиявий ҳисобот тузилгандан кейин фойдаланувчилар ихтиёрига белгиланган муддатда етказиб берилмаса, молиявий ҳисоботларнинг фойдалилик даражаси пасайиб кетади. Ҳисобот ахбороти асоссиз кечиктирилса, у ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Субъект молиявий ҳисоботни БҲМСнинг 62—65-бандларида кўрсатилган муддат ичида тузишга қодир бўлиши керак. Ҳеч қандай омиллар, ҳаттоки субъект муомалаларининг мураккаблиги ҳам, ҳисоботни ўз вақтида тақдим этишга қодир бўлмасликка сабаб сифатида ишлатилмаслиги керак.

Молиявий ҳисоботларни эълон қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни асосида амалга оширилиши керак.

45. Агарда ҳисобот барча йўналишлар маълум бўлгунга қадар кечиктирилса, энг ишончли ахборот ҳам фойдаланувчиларга кам фойда келтириши мумкин, чунки улар эрта қарор қабул қилишга мажбур бўладилар. Аҳамиятлилиқ ва ишончлилиқ ўртасида балансга эришиш мақсадида фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилишлари эҳтиёжларини иложи борича яхшироқ қондиришни ҳал этиш лозим.

Оффсетнинг (моддаларнинг, ўзаро қопланиши)

46. Активлар ва пасивлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш бўлиши мумкин эмас, бошқа БҲМСларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

47. Даромад ва харажатлар моддалари ўзаро ҳисобланиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно.

47.1. БҲМС буни талаб этса ёки рухсат этса.

47.2. Даромадлар, зарарлар ва улар билан боғлиқ харажатлар шундай ҳолларда ёки шунга ўхшаш муомалалардан ва воқеалардан пайдо бўлиб, алоҳида ҳолда ҳам; умумлаштирилганда ҳам унчалик аҳамиятли бўлмаса.

Бунда суммалар умумлаштирилади ва нетто асосида тақдим этилади. Уларни тақдим этиш муомалалар ёки бир хил битимлар гуруҳи моҳиятини акс эттиради.

48. Даромадлар ва харажатлар ўзаро қопланган бўлса, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботлар эътиборларида муҳимлик тамойили асосида ушбу суммаларни ёритиш эҳтиёжини қўриши лозим.

Масалан, бухгалтерия балансида дебиторлик қарзи "Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисобланишлар" банди бўйича тўланиши шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резервларни ҳисобдан чиқариб ташлашнинг акс эттирилиши назарда тутилган бўлса, тушунтириш хатларида дебиторлик қарзлари суммаси ва шубҳали қарзлар бўйича тузилган резервлар суммаси ҳам алоҳида кўрсатилиши керак.

Ҳолислик (объективлик)

49. Молиявий ҳисобот субъектнинг молиявий аҳоли, фаолиятининг молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳолис ахборот бериши керак.

Ҳолислик тамойилига эришиш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишда БҲМС ва ҳисоб юритишнинг асосий тамойилларини қўллаши лозим.

50. Фаолиятнинг турли қўринишлари бўйича янгиликлар киритиш тезлиги БҲМС ишлаб чиқилмаган муомала ва ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолда молиявий ҳисоботнинг ҳолислигига хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу Стандарт асосида мустақил ишлаб чиқиладиган ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш орқали эришилади.

Ҳисоб юритиш сиёсати

51. Субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати ушбу Стандартнинг 16-50-бандларида ифодаланган тамойиллар асосида ташкил этилиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос тамойиллар, конвенциялар ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

52. Ҳисоб юритиш сиёсати шунда: ташкил қилиниши керакки, унда молиявий ҳисобот барча учун қулай бўлган БҲМС асосида ва агар ўзига хос талаблар бўлмаса, унда қуйидаги нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тузилиши мумкин бўлсин:

52.1. Фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятлилиги;

52.2. Қуйидаги маънода ишончли, агар у:

52.2.1. Субъект фаолияти ва молиявий ҳолатининг барча натижаларини ишончли ёритиб берса;

52.2.2. Фақатгина юридик шаклнинг ўзини эмас, балки воқеа ва муомалаларнинг иқтисодий моҳиятини ёритса;

52.2.3. Бетараф бўлса ва мажбурий бўлмаса;

52.2.4. Бетарафликка зарар етказмайдиган даражадаги эҳтиёткорлиги бўлса;

52.2.5. Барча муҳим йўналишларни тўлиқ ва тугалланган даражада, яъни хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг барча томонларини тўлиқ ёритса;

52.3. Айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қийёсланса;

52.4. Тушунарли ва содда бўлса.

53. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил этишнинг аниқ йўналиши бўйича субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш лозим.

54. Махсус БҲМСлар бўлмаганда, субъект раҳбари ҳисоб юритиш сиёсатини ишлаб чиқишда тушунчаларидан фойдаланишга ҳақлидир, чунки у молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун фойдали ахборотларни беради.

Ўз тушунчаларини қўллаш жараёнида, раҳбар:

54.1. Шунга ўхшаш масалалар бўйича БҲМС талаблари ва кўрсатмаларини;

54.2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳар қандай бошқа ахборотни;

54.3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун уларни аниқлаш, акс эттириш тартиблари ва ўлчаш баҳоларини;

54.4. Капиталнинг асосий жаҳон молиявий бозорлари томонидан қабул қилинган тармоқ амалиётини кўриб чиқиши керак.

55. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш ва ҳ.к.) билан расмийлаштирилиши керак.

Ҳисоб юритиш сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия ҳисобини юритишда танланган усуллар ташкилий-фармойиш ҳужжати эълон қилинган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади, ҳисобот йили давомида янги тузилган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустасно. Бунда улар қаерда жойлашганидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектнинг барча тузилмавий бўлинмалари (алоҳида балансга ўтказилгани ҳам) томонидан қўлланилади.

Янги ташкил қилинган хўжалик юритувчи субъект биринчи ҳисоботини эълон қилгунга қадар, ушбу қисмга асосан ўзи танлаган ҳисоб юритиш сиёсатини расмийлаштиради, қайсики юридик шахс мақомини олган вақтдан (давлат рўйхатидан ўтгандан) бошлаб, 90 кундан кечикмасдан амалга оширади. Субъект томонидан танланган ҳисоб юритиш сиёсатини юридик шахс мақомига эга бўлган вақтдан (давлат рўйхатидан ўтгандан кейин) қўллаш мумкин бўлади.

56. Календарь йили давомида ҳисоб юритиш сиёсати ўзгартирилмайди.

Қуйидаги ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида ўзгаришлар бўлиши мумкин:

56.1. Субъект қайта ташкил этилганда (қўшилиш, бўлиниш, бирлаштириш);

56.2. Мулкдорлар ўзгарганда;

56.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоботининг меъёрий тартибга солиш тизимида ўзгаришлар бўлганда;

56.4. Бухгалтерия ҳисобининг, янги омилларини ишлаб чиқиш.

Ҳисоб юритиш сиёсатидаги ўзгаришлар асосли бўлиши ва ушбу Стандартнинг 55-бандида белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб юритиш сиёсатидаги ўзгаришларнинг оқибатлари бухгалтерия ҳисоби юритишда ўзгартирилган усулларнинг қўлланилиш куни (ойнинг биринчи куни)дан бошлаб текширилган қиймат кўринишида субъект томонидан баҳоланиши керак.

Молиявий ҳисоботларнинг ўхшаш кўрсаткичлари

57. Молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботларнинг айнан ўхшаш шакллари бир хил кўринишга эга бўлиш керак.

58. Қуйидаги ахборот молиявий ҳисоботнинг ҳар бир бетида тўлиқ акс этирилиши мақсадга мувофиқдир:

58.1. Субъектнинг номи, мулкчилик шакли, юридик манзили, бўйсунishi, ўхшаш (идентификацион) рақами ва субъектни билишга алоқадор бошқа маълумотлар (реквизитлар);

58.2. Айрим корхоналар ёки корхоналар гуруҳининг молиявий ҳисоботларини қамраб олиш;

58.3. Молиявий ҳисобот томонидан қамраб олинган ҳисобот санаси ёки даври.

59. Тақдим этилган ҳисобот ахборотини тўғри тушуниш учун қуйидаги маълумотлар ёритилиши лозим (зарур ҳолларда такрор ҳолда):

59.1. Молиявий ҳисоботлар ўлчанган валюта, агар бир неча валютадан фойдаланилган бўлса, у ҳолда ифода этилган валюталар;

59.2. Молиявий ҳисоботда келтирилган рақамларнинг аниқлик даражаси, масалан, рақамлар минглар, миллионларда кўрсатилганлиги ва ҳ.к.

Ҳисобот даври ва ҳисобот санаси

60. Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври 1 январдан 31 декабргача бўлган календарь йилидир.

Молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда календарь йилидан фарқли равишда ой ва йилнинг чораги учун ҳам тақдим этилиши мумкин.

61. Молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот куни ҳисобот даврининг охириги календарь куни ҳисобланади. Субъектнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботи куни 31 декабрь, молиявий натижалар тўғрисидаги йиллик ҳисобот учун ҳисобот даври 1 январдан 31 декабргача бўлган давр ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш

62. Молиявий ҳисобот:

62.1. Субъектнинг мулкдори (давлат мулкни бошқаришга ваколати бўлган органлар, қатнашчилар, таъсисчилар)га таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжатларга мувофиқ;

62.2. Давлат солиқ назорати идораларига (субъектнинг рўйхатдан ўтказилган жойи бўйича);

62.3. Давлат статистика органларига тақдим этилади;

62.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

63. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисобот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечикмай тақдим этадилар.

64. Вазирликлар, идоралар, бошқарувнинг бошқа органлари ва баъзи субъектлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молиявий ҳисоботларни тақдим қилишнинг бошқа муддатини белгилайди.

65. Бир шаҳарда жойлашган субъектлар томонидан молиявий ҳисоботни тақдим қилиш муддати уни айнан тақдим қилган кун ҳисобланади, бошқа шаҳардагилар учун жўнатишган ва алоқа корхонаси муҳри билан белгиланган сана ҳисобланади.

Ҳисоботни тақдим этиш куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган тақдирда тақдим этиш муддати ундан кейин келадиган биринчи иш кунига кўчирилади.

Бухгалтерия балансининг мақсади

66. Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси унинг ҳисобот кунигача бўлган молиявий ҳолатини ақс эттириши лозим, бу эса унинг имкониятлари ва молиявий тузилмасини тушуниш имкониятини беради.

Айланма (жорий) ва узоқ муддатли активлар орасидаги фарқ

67. Ҳар бир субъект бухгалтерия балансида жорий активлар ва жорий мажбуриятларни алоҳида тасниф сифатида тақдим этиш (ёки тақдим этмаслик)ни белгилаб олиш керак. Мазкур Стандартнинг 60—71-бандлари ушбу чегараланиш ўтказилгандагина қўлланилади. Агар хўжалик юритувчи субъект мазкур таснифларни амалга оширмаслик йўлларини ташлаган бўлса, активларни ва мажбуриятларни тўлаш муддатлари бўйича ахборот ёритилиши керак.

68. Агар хўжалик юритувчи субъект маҳсулот етказиб берса ва хизматлар кўрсатса ёки аниқ бир муомала босқичини қўласа, унда баланс бўйича ҳисоботда келтирилган жорий ва узоқ муддатли активлар ва мажбуриятларнинг алоҳида таснифи субъектнинг айланма капитали сифатида доимий муомалада бўлган соф активлари ва узоқ муддатли муомалаларида ишлатиладиган капитали орасидаги фарқларни келтириш орқали ва шунингдек, жорий муомалалар туркуми давомида олиниши кутилаётган активларни ҳам қайд этади, бунида ўша давр давомида тўланиши керак бўлган мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни ҳам таъкидлаб ўтади. Агар субъект жорий ва узоқ муддатли активлар ва мажбуриятларни алоҳида тақдим этса, унда 69—76-бандлар бўйича талқин қилинади.

Айлаима (жорий)-активлар

69. Агар актив:

69.1. Хўжалик юритувчи субъект соф муомала фаолиятининг бир қисми бўлиб ҳисобланса ва субъектнинг муомала жараёни бир маромда юритилиши натижасида унинг олиниши ва ишлатилиши қутилаётган бўлса;

69.2. Асосан сотиш мақсадида ёки қисқа даврга сақланаётган бўлса, унинг ҳисобот кунидан 12 ой давомида ишлатилиши қутилаётган бўлса жорий актив сифатида талқин этилиши керак

Қолган барча бошқа активлар узоқ муддатли активлар сифатида талқин қилиниши керак.

70. Жорий активларнинг иккита алоҳида тури мавжуд. Биринчиси, хўжалик юритувчи субъектнинг муомала жараёни бир маромда юритилганида қўланган бўлиб, хўжалик юритувчи субъект айланма капиталининг бир қисмини ташкил этади. Иккинчиси, муомаладаги активлар бўлмай, савдо ва инвестиция мақсадлари учун сақланаётган ва ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида сотилиши қутилаётган жорий активлардир. Жорий ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида олинадиган ёки истеъмол қилинадиган активлар заҳиралар ва дебиторлик қарзларини ўзида-акс эгтиради.

71. Хўжалик юритувчи субъектнинг муомалалар жараёни бу материалларни олиш, ишлаб чиқариш ва нақд пулга ёки пул маблағларига, осон айланувчи молиявий активларга сотиш орасидаги ўртача вақтдир.

Муомаладаги активларни жорий ва узоқ муддатли гуруҳларга бўлиш мақсадида муомала жараёни бир йил ҳисобланади, айнан шу тармоқ ёки фаолиятнинг тури учун бундан узоқ муддат унга мос келмайди.

Узоқ муддатли активлар

72. Талқин қилиш услубига асосан, 67-бандда талаб қилинган субъектнинг узоқ муддатли активлари қўйилаган активлардан таркиб тонади:

72.1. Узоқ муддатлилик асосида субъектнинг мақсадлари учун фойдаланилаётган хусусий мулки, бино ва жиҳозлари, моддий активлари, ривожлантириши ва тудвили учун харажатлар;

72.2. Инвестиция мақсадида сақланаётган ва ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой ичида сотилиши лозим бўлган активлар.

Қисқа муддатли (жорий) мажбуриятлар

73. Мажбурият агар:

73.1. Ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой муддат ичида у бўйича ҳисоблашиш амалга оширилса;

73.2. Мажбуриятларнинг қолган моддалари ножорий бўлса жорий ҳисобланади.

74. Жорий мажбуриятларнинг тавсифи жорий активлар таърифига ўхшашдир. Баъзи жорий мажбуриятлар, кредиторлик қарзи, иш ҳақи бўйича қарз, солиқлар ва бошқа муомалалар бўйича чиқимлар, жорий активлар счёти учун ҳисоблар талаб қилади, чунки улар айланма капитални ташкил этувчи, субъектнинг оддий муомала жараёнида иштироилувчи моддалар бўйича мажбуриятлар ҳисобланади. Шундай муомала моддалари ҳисобот кунидан бошлаб 12 ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам, тўланиши керак бўладиган жорий мажбуриятлар тури сифатида талқин қилинади.

75. Жорий мажбуриятларга, шунингдек, қуйидагилар киради: банк овердрафтлари, тўлов дивидендлари, даромад солиғи, бошқа носавдо кредиторлик қарзи, фойзалар тўлашни талаб этадиган қисқа муддатли мажбуриятларнинг жорий эканлигини муомала жараён нуқтаи назаридан аниқлаш қийин бўлган, ваҳоланки улар ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида тўлашни талаб этадиган жорий қисмидир.

Узоқ муддатли асосда айланма капитални молиялаштирувчи фойзаларни тўлашни талаб этадиган мажбуриятларни 12 ой давомида тўлаш мумкин эмас, чунки улар ножорий мажбуриятлар ҳисобланади.

Қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларни қайта молиялаш

76. Ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар қуйидаги шароитлардагина ножорий кўринишда талқин этилиши мумкин:

76.1. Бошланғич муддат 12 ойга нисбатан узоқ муддатли бўлганда;

76.2. Субъект қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларни қайта молиялашнинг узоқ муддатли турига режалаштирганда;

76.3. Ушбу ҳаракат қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайта молиялаш ёки реструктуризация тўловларга рози бўлиш шарти билан молиявий ҳисобот маъқуллангунга қадар тўлдирилган бўлсагина қўлланади.

Жорий мажбуриятларда чиқариб ташланадиган, ҳар қандай қисқа муддатли қарз суммаси бухгалтерия баланси унинг тақдимотини қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот билан бирга эслатмаларида ёритилиши керак.

Бухгалтерия балансида акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар

77. Ҳужалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси молиявий ҳолатни ташкил этувчи турли маълумотларни акс эттирадиган тарзда берилиши керак. Бухгалтерия баланси қўйидаги элементлардан ташкил топади:

77.1. Моддий активлар;

77.2. Номоддий активлар;

77.3. Молиявий активлар;

77.4. Заҳиралар;

77.5. Дебиторлик қарзлари;

77.6. Пул маблағлари ва пул эквивалентлари;

77.7. Кредиторлик қарзлари;

77.8. Ажратмалар;

77.9. Фоизлар тўлашни талаб этган мажбуриятлар;

77.10. Шахсий капитал ва заҳиралар.

78. Ушбу Стандартда бухгалтерия балансини тақдим этиш бўйича тартиб ёки унинг шакли кўрсатилмайди. Бухгалтерия балансининг шакли "Бухгалтерия баланси" номли алоҳида БҲМСда берилган.

79. 77-банддаги мажбурий талаблар заҳираларни акс эттириш учун алоҳида қаторларни ўз ичига олади. Заҳиралар мажбуриятлар бўлиб, уларни маълум даражада тахминий баҳолаш орқали баҳолаш мумкин. Заҳираларни ташкил этиш қонун ҳужжатлари ёки корхона уставида кўрсатилган бўлиб, субъект ва кредиторларни зарар оқибатларидан қўшимча ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади.

Изоҳларда, ҳисобларда ва тушунтиришларда бериладиган маълумотлар

80. Субъект изоҳларда қуйидагиларни ёритиши шарт:

80.1. Акциядор капиталининг ҳар бир синфи бўйича:

80.1.1. Эълон қилинган акциялар сони;

80.1.2. Эмитация қилинган ва тўлиқ тўланган, эмитация¹ қилинган, аммо тўлиқ тўланмаган акциялар сони;

80.1.3. Акцияларнинг номинал қиймати;

80.1.4. Йил бошида ва охирида тўланмаган акцияларнинг камайганлиги;

80.1.5. Акциядорлар капиталининг ҳар бир синфига тааллуқли ҳуқуқлар, афзаллик ва чеклашлар, шу жумладан, капитални сундириш ва дивидендларни тақсимлашга бўлган чеклашлар;

80.1.6. Хўжалик юритувчи субъектнинг шўьбалар ва уюшган жамиятларга ҳамда ўзига тааллуқли акциялар;

80.1.7. Танлов асосида эмиссия учун ва савдо шартномаси бўйича муомалага чиқариш учун заҳирага қўйилган акциялар, уларнинг муддати ва суммаси;

80.2. Шахсий капиталдаги заҳиранинг моҳияти ва мақсадини баёни;

80.3. Акциядорлар, таъсисчилар ва қатнашувчилар йиғилиши томонидан расмий равишда маъқулланмаган, дивидендлар (даромадлар)ни тўлаш учун мажбуриятда мавжуд бўлган суммалар.

81. Субъект ўз капиталидаги ўзгаришларни алоҳида кўрсатиши керак:

81.1. Ҳисобот даври бошига ва ҳисобот кунига йиғилган даромад ёки зарар суммасининг қолдиғи ўтган даврга, соф даромадни қўшиб ва акциядорларнинг ҳар бир синфига тақсим қилинган аҳамиятга молик ўзгаришлар;

81.2. Ҳар бир синф бўйича шахсий капитал ва заҳира суммаларининг давр боши ва охирида ўзгариши.

¹ Эмитация — қайтариб олинган.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот мақсади

82. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот хўжалик юритувчи субъектнинг даврий фаолиятини ушбу фаолият турли йўналишларини тушуниш имконини берадиган усуллар билан тавсифлайди.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда берилиши зарур бўлган маълумотлар

83. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда берилиши зарур бўлган маълумотлар:

83.1. Тушум;

83.2. Муомала фаолияти натижалари;

83.3. Молиявий фаолият натижалари;

83.4. Фавқуллоҳда даромад ва зарар;

83.5. Ҳисобот давридаги соф фойда ва зарар.

БҲМСга қўшимча қаторлар, сарлавҳалар ва натижалар асосан ҳисоботнинг биринчи бетида берилади.

Изоҳларда, ҳисобларда ва тушунтиришларда берилadиган маълумотлар

84. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботнинг изоҳлари, ҳисоблари ва тушунтиришларида даромадлар ёки харажатлар ёхуд фаолият турлари бўйича талқинлардан фойдаланган ҳолда даромадлар ва харажатлар таҳлилини кўрсатиши керак.

85. Хўжалик юритувчи субъектлар талқин қилинадиган харажатлар ва фаолият турлари бўйича қўшимча ахборотни харажатлар турлари бўйича ёритишлари керак, унда (амортизация) эскириш, ходимларни асраш билан боғлиқ бўлган чиқимлар, хом ашё, халқ истеъмоли молларининг ишлатилганлигига оид ва бошқа зарур қўшимча ахборотларни беришлари шарт.

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот

86. Ушбу ҳисобот асосий воситаларнинг ҳаракати ҳамда уларнинг эскиришини ҳисоблаш тўғрисида қўшимча ахборот беради. Шунингдек, унда ижарага берилган ёки олинган асосий воситалар тўғрисида ҳам ахборот берилади.

Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот

87. Хўжалик юритувчи субъект БҲМСнинг №9 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”га асосан пул оқимлари тўғрисида ҳисобот тақдим этилиши шарт.

88. “Пул оқимлари тўғрисида”ги БҲМС ва унга тегишли бўлган тушунтиришлар ушбу ҳисоботта оид изоҳларни тақдим этиш бўйича талабларни белгилайди. Нақд пул оқими тўғрисидаги ахборот молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини ва пул эквивалентини хўжалик юритувчи субъектининг эҳтиёжи учун ййғиш (жамлаш) имконини баҳолашда фойдалидир.

Шахсий капитал тўғрисидаги ҳисобот

89. Шахсий капитал тўғрисидаги ҳисоботда шахсий капитал ҳаракати ҳамда дивидендларни тулаш учун ажратилган маблағлардан шакллантирилган заҳира тўғрисида ахборот берилади.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ИЗОҲЛАРИ, ТУШУНТИРИШЛАРИ ВА ҲИСОВЛАРИ

Изоҳлар, ҳисоблар ва тушунтиришларни тузишнинг мақсади

90. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг изоҳлари, ҳисоблар ва тушунтиришларида қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

90.1. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва ҳисоб сиёсати асослари учун турли асосий муомалалар ва воқеаларнинг танлангани ва қўлланилгани тўғрисида ахборот тақдим этиш;

90.2. БҲМС талаб қилган, аммо ҳеч бир молиявий ҳисоботда акс эттирилмаган ахборотни ёритиш;

90.3. Молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва ҳаққоний тақдим этишга ёрдам берувчи қўшимча таҳлил маълумотларини тақдим этиш.

Изоҳларнинг таркиби

91. Молиявий ҳисоботларга изоҳлар тушунтириш хати кўринишида мунтазам равишда тақдим этилиши керак.

Ахборотлар ва изоҳлар тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг ҳар бир тегизи банди кўрсатилган ҳолда берилиши керак.

92: Изоҳлар одатда фойдаланувчига молиявий ҳисоботларни чуқурроқ тушуниш ва уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари билан қиёслашда ёрдам берадиган қуйидаги тартибда берилadi:

92.1. Ҳисоботнинг БҲМСга мослиги;

92.2. Бухгалтерия ҳисоби сиёсатида қўлланиладиган ўлчовлар асоси тўғрисидаги ҳисобот;

92.3. Молиявий ҳисоботларда тақдим этилган молдалар бўйича ёрдамчи ахборотлар.

92.4. Бошқача ёритиладиган ва ўзида кўрсатилган:

92.4.1. Шартли мажбуриятлар, оддий мажбуриятлар ва бошқа молиявий ёритишлар;

92.4.2. Номолиявий ёритилар.

93. Молиявий ҳисоботлар тайёрлаш ва бухгалтерия ҳисобининг ўзига ҳос сиёсати асослари тўғрисидаги ахборот молиявий ҳисобга берилган изохлардан олдин алоҳида ҳисобот кўринишида беришни керак.

Ҳисоб юритиш сиёсатининг ёритилиши

94. Молиявий ҳисоботнинг тушултириш хатида берилган ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги бўлими қуйидагиларни ёритиши лозим:

94.1. Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилган баҳолаш асослари;

94.2. Молиявий ҳисоботларни аниқ билишда муҳим аҳамиятга эга бўладиган ҳисоб юритиш сиёсатининг ўзига ҳос ҳар бир қисми;

94.3. Ҳисоб юритиш сиёсатида содир бўлган ўзгаришлар бўйича тушултириш ҳисоботи.

95. Молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган ўзига ҳос ҳисоб юритиш сиёсатидаги қўшимчаларда, фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларда қўлланиладиган асосий баҳоларни (бошланғич баҳоси, жорий баҳоси, сотилиш баҳоси, ҳисобга олиш баҳоси ва баланс баҳоси) тушуниш фойдалидир. Ушбу тамойиллар қўғчилик ҳолларда ҳисобот асосларини шакллантириш тамойилларига кўра узлуқсизлик ва ҳисоблаш билан молиявий ўхшашдир. Улар ушбу ҳодалардан баъзи бир ҳолатларда баҳолаш асослари таълимининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Агар молиявий ҳисоботда баҳолашнинг биттадан ортиқ асоси қўлланилса, яъни масалан, фақат асосий маблағларнинг айрим турлари баҳоланганда, мажбурийларда акс эттирилган алоҳида улчаш асоси қўлланилган актилар даражасини тақдим қилиш керак.

96. Фойдаланувчи учун ҳисоб юритиш сиёсатини ёритишини ўзига ҳос устуворлиги кўрилганда раҳбарлар ҳужалик юритувчи субъектнинг таваккалчилигига ва пул маблағлари оқимининг келажакини баҳолаш имкониятини беришини ҳисобга олишлари керак. Ҳисоб сиёсатининг ёритилиши ушбу ахборот билан чегараланмайдиган ҳолда қўлидагиларни ўз ичига олади:

96.1. Фойдаланиш акс эттирилиши;

96.2. Консолидация (йиғиш, умумлаштириш) қоиласи;

96.3. Фаолият турларининг уйғунлиги;

- 96.4. Қўшма фаолият;
- 96.5. Моддий ва номоддий активларнинг ҳолати ва эскиришини (амортизациясини) акс эттириш;
- 96.6. Жалб қилинган маблағларнинг қийматини капитализация қилиш (ўзлаштириш) ва бошқа чиқимлар;
- 96.7. Капитал қўйилмалар;
- 96.8. Инвестиция қилинган мулк;
- 96.9. Молиявий қуроллар ва инвестициялар;
- 96.10. Ижара;
- 96.11. Тадқиқотлар ва ривожланиш билан боғлиқ харажатлар;
- 96.12. Товар-моддий заҳиралар;
- 96.13. Солиқлар, кечиктирилган солиқлар қўшилган ҳолда;
- 96.14. Заҳиралар;
- 96.15. Ходимларни асраш харажатлари;
- 96.16. Чет эл валютасини ўтказиш;
- 96.17. Фаолият турларини, жўрофий сегментлар ва чиқимларни сегментлар ўртасида тақсимлаш усулларини аниқлаш;
- 96.18. Инфляция ҳисоби;
- 96.19. Ҳукумат субсидиялари.

Бошқа ёритишлар

97. Агарда бошқа бирон бир молиявий ҳисоботда ёритилмаган бўлса ҳужалик юритувчи субъект қўлидаги ахборотларни бериш керак:

97.1. Ҳужалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқий шакли, тибсис этувчи ва идоранинг рўйхатга олинган юридик манзили (ёки ишга оид фаолиятини амалга ошириш жойи, агар у идоранинг рўйхатга олинган юридик манзилдан фарқ қилса);

97.2. Корхона муомалалари ва асосий фаолияти моҳиятининг ёритилиши;

97.3. Бош компания ёки гуруҳ бош компаниясининг номи;

97.4. Ҳисобот давридаги хизматчиларнинг ўртача сони.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ
МИЛЛИЙ СТАНДАРТИГА**

ШАРҲ

**ҲИСОБ ЮРИТИШ СИЁСАТИ
ВА
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ**

Стандартнинг мақсади ва унинг фаолият соҳаси

Бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандарти (БҲМС)¹ Ўзбекистон Республикасида бухгалтерлик ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

БҲМС ҳужалик юритувчи субъектларнинг ўтган даврлар учун молиявий ҳисоботларини, шунингдек, турли ҳужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларини қиёслашни таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботни шакллантириш ва тузиш асосларини белгилаб беради.

Ушбу мақсадга эришиш учун мазкур стандарт ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот асосида бўлиши лозим бўлган концепцияларини, молиявий ҳисобот мазмунига минимал талаблар қўйилишини назарда тутди.

Алоҳида муомалалар ва воқеаларни батафсил баҳолаш ва ёритиш бўйича мукаммал талаблар бошқа БҲМСда баён қилинади.

Стандарт молиявий ҳисоботдан ташқари бериладиган маълумотларга қўйилган талабларни баён қилмайди. Масалан, ҳужалик юритувчи субъектлар ўз молиявий ҳисоботларига қўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳлар беришлари мумкин.

БҲМС умумий йўналишдаги молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилади, уларнинг рўйхати мазкур Стандартнинг 12-бандида келтирилган.

Алоҳида ҳужалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини ёки улар бўйича умумлашган ҳисоботларни тайёрлашда ҳам ушбу стандартга амал қилинади.

БҲМС:

— ҳисоб юритиш сиёсатини шакллантириш бобида мулк шаклидан қатъий назар, барча ҳужалик юритувчи субъектларга;

— ҳисоб юритиш сиёсатини ёритиш бобида ўзининг молиявий ҳисоботларини қонуни ҳужжатларига¹ ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки ўз ташаббуси билан эълон қилувчи ҳужалик юритувчи субъектларга жорий қилинади.

БҲМС амалий жиҳатдан банклар, бюджет ва суғурта ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини тузиш тартибига жорий қилинмайди.

¹ Келгусида «Стандарт ёки БҲМС» деб юритилган.

Ҳисоб юритиш сиёсати

БҲМС-1 да ҳисоб юритиш сиёсати деталяда хўжалик юригувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни, талоғиди, ва асосларига мос равишда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи тушунилади.

Хўжалик юригувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати субъект томонидаги молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос қоидалар, конвенциялар ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

Хўжалик юригувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект раҳбари томонидаги ушбу БҲМС асосларида тақдим этиладиган молиявий ҳисоботнинг йилма-йил қиёсланиши учун тузилади.

Ҳисоб юритиш сиёсати шундай ташкил қилиниши керакки, унда молиявий ҳисобот барча учун қулай бўлган БҲМС асосида тузилиши мумкин бўлсин ва агар ўзига хос талаблар бўлмаса, унда қўйиладигача бўлиши лозим:

— фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятли;

— қўлидаги маънода ишончли, яъни у:

а) субъект фаолияти ва молиявий ҳолатининг барча натижаларини ишончли ёрита олса;

б) фақат юридик шаклнинг ўзини эмас, балки воқеа ва муомалаларнинг иқтисодий моҳиятини ҳам ёрита;

в) бетараф (бегараз) бўлса ва мажбурий бўлмаса;

г) бетарафликка зарар етказмаган ҳолдаги эҳтиёткорлиги бўлса;

д) барча муҳим жиҳатларда тўлиқ (тулатилган), яъни хўжалик юригувчи субъект хўжалик фаолиятининг барча масалаларини тўлиқ ёрита;

— айнан шундай фаолият юригувчи бошқа субъектларнинг молиявий ҳисоботларини қиёслаш имкониятини берса;

— тушунарли ва оддий бўлса.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил этишнинг аниқ йўналиши бўйича субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати шакллантирилишида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини қўллаш лозим.

Қорхонанинг ҳисоб юритиш сиёсатини тинлаш ва асослашга қўлидаги омиллар таъсир этади:

— мулк шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл (Масъулияти Чекланган Жамият (МЧЖ), Акционерлик жамияти (АЖ); Қўшма

Корхони (ҚК), Ёшиқ турдаги акционерлик жамияти, давлат корхонаси ва ҳ.к.);

— фаолият тури ёки тармоқ бўйсунуви (тижорат фаолияти, қурилиш саноат ва ҳ.к.);

— ишлаб чиқариш ҳажмлари, ўртача рўйхат фаолияти ва бошқ.);

— солиқ солиш тизими билан муносабат (ҳар хил солиқлардан озод бўлиш, солиқ ставкалари, солиқ солиш бўйича имтиёзлар;

— бозор муносабатларига ўтиш даври шароитларида ҳаракат қилиш эркинлигининг даражаси (нархларни шакллантириш масалаларида мустақил ҳаракатлар қилиш имконияти);

— молия-хўжалик ривожланиш стратегияси (узок келажакда корхонанинг иқтисодий ривожланиши масалалари ва мақсадлари, сармояларнинг қўйлаётган йўналишлари, келажакдаги масалаларни ечишдаги тактик ёндошувлар);

— бошқарув фаолиятининг техник жиҳатдан қўроллантилиши (ЭХМлар, оргтехника воситалари, дастурлар ва ҳоказолар билан таъминланганлик);

— корхонани маълумотлар билан таъминлаш самарали тизимининг мавжудлиги (корхона учун зарур бўлган барча йўналишлар бўйича);

— бухгалтерия ходимларининг малака даражаси, корхона раҳбарларининг таъаббускорлиги, талабчанлиги ва тадбиркорлиги;

— корхона иши самарасидан моддий манфаатдорлик ва мажбуриятлар учун моддий жавобгарлик тизими.

Корхона раҳбари таъсир этувчи барча омилларни эътиборга олган ҳолда ҳисоб юритиш сиёсатини асослашга туғри ёндошиши мумкин.

Махсус БХМСлар бўлмаганда, субъект раҳбари ҳисоб юритиш сиёсатини ишлаб чиқишда ўз тушунчаларидан фойдаланишга ҳақти, чунки у фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботлардан фойдаланиш ахборотни беради.

Ўз тушунчаларини қўллаш жараёнида раҳбар:

— БХМСнинг шу каби масалалар бўйича талаблари ва кўрсатмаларини;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳар қандай бошқа ахборотни;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун уларни аниқлаш, ақс эттириш ва ўтқаш баҳоларини;

— Капиталнинг асосий жаҳон молиявий бозорлари томонидан қабул қилинган тармоқ амалиётини кўриб чиқади.

Ҳужалик юригувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати хўжалик юригувчи субъектнинг тегишли маъмурий ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш ва ҳ.к.) билан расмийлаштирилиши керак.

Ҳисоб юритиш сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун танланган усуллар маъмурий ҳужжат эълон қилинган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади, ҳисобот йили давомида янги тузилган хўжалик юригувчи субъектлари бундан мустасно.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллариға хўжалик фаолиятини тасдиқловчи далилларни баҳолаш ва туруқлаш услублари, активларнинг қийматини тулаш, ҳужжат айирбоқлашни ташкил этиш йўллари, инвентаризация ўтказиш, бухгалтерия ҳисоби счётларини қўллаш тартиблари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотни ишлаб чиқиш ва бошқа тегишли усуллар ва услублар киради.

Янги ташкил қилинган хўжалик юригувчи субъект биринчи ҳисоботини эълон қилгунга қадар, ушбу қисмға асосан ўзи танлаган ҳисоб юритиш сиёсатини расмийлаштиради, ва уни юридик шахс мақомини олган вақтдан (давлат рўйхатидан ўтгандан) бошлаб, 90 кундан кечикмасдан амалға оширади. Субъект томонидан танланган ҳисоб юритиш сиёсати юридик шахс мақомига эга бўлган вақтдан (давлат рўйхатидан ўтгандан) кейин қўлланилиши мумкин.

Қаендарь йили давомида ҳисоб юритиш сиёсати ўзгартирилмайдди.

Қуйдаги ҳолларда хўжалик юригувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида ўзгаришлар бўлиши мумкин:

— субъект қайта ташкил этилганда (қўшилиш, бўлиниш, бирлаштириш жараёнида);

— мулкдорлар ўзгарганда;

— Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасини бухгалтерия ҳисоботининг меъёрий тартибға солиш тизимида ўзгаришлар бўлганда;

• — Бухгалтерия ҳисобининг янги омилиларини ишлаб чиқиш.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар асосли бўлиши керак ва ушбу Стандартнинг 55-бандида белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб юритиш сиёсатидаги ўзгаришларнинг оқибатлари бухгалтерия ҳисоби юритишда ўзгартirilган омилларнинг қўлланилиши куни (ойнинг биринчи куни)дан субъект томонидан текширилган қиймат кўринишида баҳоланиши керак.

Субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати 1-сонли БҲМСнинг 16-50 бандларида ва қуйидаги "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари"да келтирилган асосий тамойилларга асосан аниқланиши мумкин:

- ҳисоблаш тамойили;
- икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш;
- узлуксизлик;
- ҳўжалик муомалалари, активлар ва пасивларнинг пулдаги баҳоси;

- ишонччилик;
- эҳтиёткорлик;
- мазмуннинг шаклдан устуниги;
- кўрсаткичларнинг қийсийлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг аниқ баҳоси;
- ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги;
- тушунарлилик, оддийлик;
- аҳамиятлилик;
- муҳимлик;
- ҳаққоний, ҳолис тақдим этиш;
- тутатилганлик;
- изчилик;
- ўз вақтидалик;
- оффсетнинг (ўзаро қошланиш);
- холислик (объективлик).

Ҳисоблаш қондаси (БҲМС-1 16 б.)

Молиявий ҳисобот пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдан ташқари, ҳисоблаш қондаси асосида тузилади.

Ҳисоблаш қондасига асосан активлар, пасивлар, ўз капиталли, даромадлар, харажатлар, ҳўжалик муомалалари ва ҳолисалар содир этилган (ёки пақд олинган) пайтда бухгалтерия ҳисобида

қўрсатилади, улар бўйича пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти олинган ва тўланган вақт бундан мустасно.

Бухгалтерия ёзувлари ҳисобда ҳисоблаш тамойилидан фойдаланилган ҳолда, хўжалик муомалаларининг содир бўлиш вақтида амалга оширилади. Бу тамойилга мувофиқ, маҳсулот харидорга берилганидан кейингина реализация қилинган ҳисобланади, яъни юкланган (туширилган) маҳсулотнинг қиймати реализациядан олинган тушум ҳисобланади. Ижара ҳақи ўзи тўланиши лозим бўлган даврдаги харажат сифатида ижарачининг бухгалтерия регистрларида мос равишда акс эттирилиши лозим.

Бундай тартибга амал қилинишга сабаб, маҳсулот етказиб берувчидан моддий-товар бойликларни миқозга бериш вақтида миқозга товар билан бирга уни сақлаш вазифаси, келгусида фойдаланиш ва реализация қилиш ҳам ўтказилган.

Амалдаги тартибга мувофиқ, харидорда моддий-товар бойликларни олиш билан бир вақтнинг ўзида мажбуриятлар (албатта бу маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланмаган бўлса) келиб чиқади ва бу маҳсулотдан фойдаланиш харажат сифатида акс эттирилади. Айнан шунинг учун маҳсулот етказиб берувчи ўз маҳсулотини юклашни (туширишни) даромад сифатида акс эттириши лозим.

Шундай қилиб, ҳисоблаш тамойили субъектнинг даромадлари ва харажатлари тегишли бўлган келиб тушиш санасидан қатъий назар, ҳисобот даврида акс эттирилишини билдиради.

Ҳисоблаш тамойили асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга нафақат пул маблағларини тўлаш ва олиш бўйича аввалдан ўтказилган муомалалар тўғрисида, шунингдек, келгусида пул маблағларини тўлаш мажбуриятлари тўғрисида ҳам ахборот беради. Улар тегишли иқтисодий қарорлар қабул қилинишида зарур бўлади.

Икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш (БҲМС-1 17 б.)

Икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш қондаси хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия муомалаларини икки ёқлама ёзиш тизими асосида юритиши кераклигини билдиради. Икки ёқлама ёзиш тизими бир хил муомала бўйича айнан бир хил суммани бухгалтерия ҳисобининг икки счёти — бирининг дебети ва бошқасининг кредитида акс эттирилишидан иборат бўлади.

Узлуксизлик (БҲМС-1 18 б.)

Молиявий ҳисобот узлуксизлик тамойили бўйича тайёрланиши лозим.

Молиявий ҳисобот ҳўжалик юритувчи субъект доимий фаолият муддатини номаълум муддатгача давом эттиради деган қоида бўйича тайёрланади, яъни ҳўжалик юритувчи субъектга ўзининг муомалалар бўйича фаолиятини жиддий қисқартириш ёки тугатиш эҳтимоли ва ҳаракатига эга бўлмайди.

Ҳўжалик субъектининг раҳбари (унинг мулкдорлари, таъсисчилари) ҳар доим молиявий ҳисоботни тайёрлаш вақтида субъектнинг узлуксиз фаолият кўрсатиш имкониятларини қайта баҳолашлари шарт.

Агар ҳўжалик юритувчи субъектни тугатиш ёки унинг фаолият ҳажминини қисқартириш, ёки шунга олиб келувчи шароитлар ёки муҳит бўлса, унда раҳбар молиявий ҳисоботда бериладиган изоҳларда молиявий ҳисобот тузишдаги асосларини шу фактн ва узлуксизликдан чекиниш сабабларини ва корхонанинг келгусида фаолият кўрсатиш муддатини ёритиши зарур бўлади.

Бу ҳисоб юритиш сиёсатида келгусида қарорлар қабул қилиш учун, масалан, номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблашда зарур бўлади.

Узлуксизлик тамойили бухгалтерия ҳисоботини юритиш муддати ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиш муддатига мос келиши кераклигини, яъни ҳўжалик юритувчи субъектга бухгалтерия ҳисоби уни тугатиш ёки банкрот бўлгунига қадар олиб борилиши кераклигини билдиради. Ўз фаолиятини тугатган кундан бошлаб ҳўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритишни тўхтатади.

Ҳўжалик муомалалари активлар ва пасивларининг пул баҳоси (БҲМС-1 19 б.)

Барча ҳўжалик муомалалари, воқеалар, активлар ва пасивлар ягона пул бирлигида баҳоланиши керак.

Бу корхона мулкани, унинг мажбуриятларини баҳолаш, шунингдек, ҳар хил иқтисодий қарорлар, хусусан, инвестициялаш ёки қарз бериш бўйича қарорлар қабул қилиш учун бошқа субъектлар фаолиятининг ўхшаш кўрсаткичлари билан таққослаш учун зарурдир.

Ўзбекистон Республикасида сўм ва унинг қисми — тўйин пул ўлчови ҳисобланади.

Айни вақтда, агар ресурслар, мажбуриятлар ва капитал чет эл валютаси эквивалентида сотиб олинган ёки киритилган бўлса, у ҳолда аналитик ҳисобда чет эл валютаси ҳисобини юритиш зарур.

Бундай моддаларни миллий валютада қайта баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг молиявий ҳисобот тузилган кундаги курсдан фойдаланилади. Келиб чиқадиган фарқ курсдаги фарқ деб таснифланади ва у молиявий натижаларга ёки ўз капиталига олиб борилади.

Ишонччилик (БҲМС-1 20 б.)

Ахборотда жиддий ёки олдиндан ўилаб киритилган хатолар бўлмаса ва фойдаланувчилар унга ишонсалар, у ишонччи ҳисобланади.

Муомалалар ва воқеалар ишончилиги бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Тақдим этилган молиявий ҳисоботлар, ҳисоб регистрлари ва ҳужжатларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик ҳисобот шакллари ва бошқа молиявий маълумотларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланади.

Эҳтиёткорлик (БҲМС-1 21 б.)

Эҳтиёткорлик тамойили молиявий ҳисоботда активлар ва даромадларнинг орттирилган баҳоси ва мажбуриятлар ёки харажатларнинг баҳосини пасайтириб (етарли баҳоламай) кўрсатилишига йўл қўймасликни аниқлатади.

Ушбу тамойилни қўллаш яширин заҳираларни ҳосил қилиш ёки орттирилганлигини таъминлаш активлар ва даромадларни, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб пасайтириб ёки орттириб кўрсатиш ҳуқуқини бермайди.

Мазмуннинг шаклдан устулиги (БҲМС-1 22 б.)

Агар ҳисоб ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботларда муомалалар ва ҳодисаларнинг мазмуни ишонччи акс эттирилса, унда ушбу ахборот молиявий ҳисоботда ҳисобга олиниш учун тақдим этилиши керак.

Бу тамойил, агар ахборот ишонччи бўлсада, лекин юридик жиҳатдан нотўғри шаклда (масалан, аниқ шакл бланкда кўрсатилган бўлмаса) тақдим этилган бўлса ва қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган барча маълумотларни ўзида акс эттирсагина қўлланилади. Бундай ҳужжат маълумотлар қандай шаклда тақдим этилишидан қатъий назар ҳисобга олиниши лозим.

Кўрсаткичларнинг қийсийлиги (БҲМС-1 23-28 б.)

Молиявий ахборот фойдали ва мазмуни бўлиши учун ахборот ҳар хил ҳисобот даврлари бўйича қийсий бўлиши керак. Фойдаланувчилар молиявий ҳисобот сиёсати, ушбу сиёсатдаги барча

Ўзгаришлар ва ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлишлари керак.

Молиявий ҳисоботда барча қиёсий ахборотни аввалги даврга нисбатан ҳамма маълумотлар бўйича ёритиш зарур. Ўтган давр молиявий ҳисоботида шарҳланган ва ёзма ахборот жорий ҳисобот даври учун тақдим этилган ҳамда янгиланган бўлиши керак, бу жорий ҳисобот даври молиявий ҳисоботларини ҳолис тақдим этилиши учун зарур бўлсагина амалга оширилади.

Молиявий ҳисобот бандларини тоифалаш ёки тақдим этиш жараёнида тузатишлар киритишда, жорий қиёслашни таъминлаш учун қиёсланадиган сумма қайта тасниф қилиниши керак, бунда қайта тасниф қилиш сабабини ёритиш, унинг хусусияти ва суммасини кўрсатиш лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса (суммалар қайта тасниф қилинган бўлса), субъект қайта тасниф қилиш сабаблари ва суммалар қайта гуруҳлаштирилганда содир бўладиган ўзгаришлар хусусиятини ёритиши керак.

Агар ахборот фақат тақдим этиш учун хизмат қилса, масалан, даврнинг боши ва охирида моддий ва номоддий активлар бўйича қолдиқларни солиштириш мисол бўлади, улар учун қиёслаш ахбороти талаб этилмайди.

Таққослаш тамойилига риоя қилиш учун қуйидаги шартларни бажариш зарур:

— таққослаш талаби барча сонли маълумотларга тааллуққидир, яъни таққослаш тамойилига риоя қилиш учун қайта санаш талаб этилса, у ҳолда барча сонли кўрсаткичлар қайта кўриб чиқилади ва зарурият туғилганда қайта саналади.

— жорий йилда тақдим этиладиган ҳисоботга ёндашувларнинг ўзгариши билан қиёслаш мақсадида ўтган давр учун ахборот қайта тасниф қилиниши керак.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги (БҲМС-1 29 б.)

Молиявий ҳисоботда келтирилган ахборотларнинг ишончлилиги таъминлаш учун улар хатолардан ҳолис ва мустақил бўлиши, яъни фойдаланувчилардан қатъий назар молиявий ахборотларнинг (у ёки бу молиявий маълумотларни) бир хил кўринишда тақдим қилинишини таъминлаш керак.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси (БҲМС-1 30 б.)

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш шarti уларнинг ҳақиқий таннархи ёки сотиб олинган нархи баҳолашнинг асоси бўлишини назарда тутали.

Стандартларда кўрсатилган баъзи бир ҳолларда, аниқ баҳолаш сотиб олиш нархидан фарқ қилиши мумкин, масалан, бозор баҳоси бўйича қайта баҳоланган вақтда юзага келадиган асосий воситаларнинг жорий қиймати.

Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги (БҲМС-1 31 б.)

Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги фақат ушбу ҳисобот даврида даромад олишни таъминлаган харажатлар акс эттирилишини билдиради. Агар айрим кўринишдаги харажатлар ва даромадларнинг бевосита боғлиқлигини аниқлаш қийин бўлса, харажатлар бир неча ҳисобот даврлари орасида тақсимотнинг бирон-бир тартиби асосида тақсимланади. Бу, масалан, амортизация харажатларига тааллуқли бўлиб, у бир неча йилга тақдим қилинади, бундан ташқари обуна суммаси ҳам йил давомида ойма-ой тақсимланиб борилади.

Тушунарлилик (БҲМС-1 32 б.)

Молиявий ҳисоботларда берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши керак. Натижада фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботларни ўқий олиш талабини кўяди.

Аҳамиятлилик (БҲМС-1 33 б.)

Молиявий ахборотлар фойдаланувчилар қарорлар қабул қилиш жараёнида ёрдам бериши ва муомала молиявий ва ҳужалик фаолиятига тааллуқли воқеаларни баҳолашда ёрдам бериш эҳтиёжларини қондиришда аҳамиятли бўлиши керак.

Маълум аҳамиятга эга бўлган маълумотлар асосидагина фойдаланувчилар фойдали иқтисодий қарорлар қабул қилиши мумкин.

Ахборотнинг аҳамиятлилигига унинг моҳияти ҳамда мазмуни (қиймати)нинг муҳимлиги таъсир этиши мумкин.

Муҳимлик (БҲМС-1 34-38 б.)

Агар ахборотнинг муҳимлиги уни ўтказиб юборганда ёки нотўғри тасаввур қилинганда, молиявий ҳисоботлар асосида ахборотдан фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилишларига таъсир этса, ахборот муҳим ҳисобланади.

Муҳимлик тамойилидан келиб чиқиб молиявий ҳисоботларда, айниқса, тушунтириш хатларида битта моддада бошқа унча муҳим бўлмаган бир хил типдаги моддаларнинг суммаси акс этирилади. Лекин яқка (индивидуал) ва умумий ҳолда муҳим ҳисобланган маълумотларга тўлалигича бошқа маълумотларни умумлаштириш шарт эмас.

Масалан, хўжалик юридувчи субъект «ААА» муҳимлик шарт-ларига риоя қилган ҳолда молиявий ёритиш жараёнида қуйидаги маълумотларни тақдим қилди дейлик.

Қуйидаги товарларни сотишдан келган тушумлар:

- компьютерларни сотишдан — 250000 сўм;
- халқ истеъмоли товарларини сотишдан — 45000 сўм;
- озиқ-овқат товарларини сотишдан — 600000 сўм.

Субъектнинг фикрича энг яхши келишув 60000 сўмлик компьютер сотиб олган харидор «ҲҲҲ» билан амалга оширилди.

Агар маълумот ошкор қилинмаса ва бу ҳолат фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир этиши мумкин бўлса, у ҳолда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, муҳимлик эътиборсиз қолдирилаётган модданинг миқдорига ҳам боғлиқдир.

Молиявий ҳисобот хўжалик муомалаларининг йўналиши ва моҳияти жиҳатидан гуруҳлар бўйича тузилмавий умумлаштириш натижаси ҳисобланади. Умумлаштиришни тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи бу туркумга ажратилган жуда қисқа ахборотни тақдим этишдир, чунки молиявий ҳисоботлар банд сифатида ва изоҳларда берилган бўлади.

Шунингдек, молиявий ҳисоботда айрим кўрсаткичларни ажратиб ёки бошқа кўрсаткичлар билан қўшиб кўрсатиш ҳам муҳим ҳисобланади. Шунинг учун актив ва пасивларнинг ёки даромад ва харажатларнинг айрим бандлари муҳим бўлмаса, унда бир пайтнинг ўзида банднинг, бандларнинг моҳияти, ҳажми ҳамда муҳимлиги баҳоланади.

Агар олдинги ахборот муҳим бўлмаса, унда БҲМСда кўрсатилган ёритилиш талабларини бажаришга зарурият қолмайди. Агар умумфойдаланиладиган молиявий ҳисоботларнинг бир бандида муҳим ахборот бошқа бир муҳим ахборот билан қўшиб берилган бўлса, унда молиявий ҳисоботларнинг изоҳларида ушбу ахборотни айрим ҳолда ёритиб бериш керак.

Муҳимлик тақдим этилган ҳисоботдаги каби тушунарлилик ва аниқлик даражаси билан боғлиқ. Аниқлик даражаси ахборотни минггача ёки миллионгача умумлаштирилганда, муҳимлилик даражаси бузилмагунга қадар қўлланилади.

Ҳаққоний ва ҳолис тақдим этиш (БҲМС-1 39 б.)

Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларнинг турларидан қатъий назар субъектнинг молиявий ҳолати, муомалалар натижа-

лари, пул маблағлари ҳаракати ҳақида ҳаққоний ҳолис тасаввур ҳосил қилиши керак.

Тугатилганлик (БҲМС-1 40 б.)

Ишончлиликти таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботдаги ахборот тўлиқ ва тугатилган бўлиши керак, яъни ҳисобот тузиш соҳасида жорий даврдаги ҳамма муомалалар ҳисобга олиниши ва бухгалтерия ёзувлари амалга оширилиши ва тугатилиши шарт.

Изчиллик (БҲМС-1 41-43 б.)

Фойдаланувчилар ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгариш йўналишларини аниқлаш учун турли даврлардаги ҳисоботларни қислаш имкониятига эга бўлишлари керак.

Молиявий ҳисобот бандларини тақдим этиш ва таснифлаш, агар ҳўжалик юритувчи субъектнинг муомалалари моҳиятидаги ва ҳисоботдаги шаклларни таҳлил қилиш тартиби ёки қонунда ва атроф-муҳитдаги жиддий ўзгаришлар ҳисоботни тақдим этиш шартларини ўзгартириш лозимлигини тақозо этмаса, у ҳолда даврдан даврга сақланиб қолиши керак.

Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш шакли ўзгарган чоғда, ҳўжалик субъекти муҳимлик ва таққосланувчанлик тамойиллари ўртасида мослик бўлишини таъминлаш лозим. Агар, қайта кўрилган тузилма узок муддат сақланиб қоладиган бўлса ва унинг муқобилини бериш устувор ва муқаррар бўлса, ҳўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тақдим этишни ўзгартириши мумкин. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш шакли ўзгарганда ҳисоб юритиш сиёсати ўзгармасдан қолади.

Ўз вақтидалик (БҲМС-1 44-45 б.)

Маълумот ўз вақтида тақдим этилишига фойдаланувчилар учун фойдали ҳисобланади. Молиявий ҳисобот тузилган кундан кейин фойдаланувчилар ихтиёрига белгиланган муддатда етказиб берилмаса, молиявий ҳисоботларнинг фойдалилиги пасайиб кетади. Ҳисобот маълумотлари асосиз кечиктирилса, у ўз аҳамиятини йўқотган бўлади. Субъект молиявий ҳисоботни ушбу БҲМСнинг 62-65-бандларида кўрсатилган муддат ичида тузишга қодир бўлиши керак. Ҳеч қандай сабаблар, субъект муомалаларининг мураккаблиги ҳам, ҳисоботни ўз вақтида тақдим этилмаслигига сабаб бўла олмайди, фақатгина бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунда кўрсатилган тартиблар бундан мустасно.

Молиявий ҳисоботларни эълон қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа метёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилиши керак.

Агарда ҳисобот барча йўналишлар маълум бўлгунга қадар кечиктирилса, энг ишончли маълумот ҳам фойдаланувчиларга кам фойда келтириши мумкин, чунки улар эрта қарор қабул қилишга мажбур бўладилар. Аҳамиятлилиқ ва ишончлилиқ ўртасида балансга эришиш мақсадида фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилишларида эҳтиёжларини иложи борица яхшироқ қондиришни ҳал этиш лозим.

Оффсеттинг (ўзаро қоплаш) (БҲМС-1 44-48 б.)

Активлар ва пасивлар ўртасида ўзаро қопланишни амалга ошириш мумкин эмас (бошқа БҲМСларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Бунга бухгалтерия балансида 76-счёт “Ҳар хил дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар” бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларини акс эттириш тартиби мисол бўлади, бунда бу счёт бўйича сальдо қуйидагича очиқ ҳолда кўрсатилади: “Актив” бўлимида 76-счёт бўйича дебиторлик қарзи суммаси, “Пассив” бўлимида 76-счёт бўйича кредиторлик қарзи суммаси кўрсатилади. Қуйидаги ҳолатлардан ташқари даромад ва харажатлар, актив ва пасивлар моддалари ўзаро қопланиши мумкин эмас, қачонки:

— БҲМС бунга талаб қилса ёки рухсат берса, масалан, 62,0
« » счёт бўйича дебитор қарзи суммаси ушбу суммалардан 82,0
« » счётдаги сумма чегирилгандан кейин қолдиқ сумма балансда кўрсатилади;

— даромадлар, зарарлар ва шунга ўхшаган муомала ва воситалар билан боғлиқ харажатлар алоҳида ҳолда ҳам, умумлаштирилганда ҳам унга аҳамиятли бўлмаса.

Бундай суммалар умумлаштирилади ва нетто-асосида тақдим этилади ёки уларни тақдим этиш муомалалар ёхуд бир хил битимлар гуруҳи моҳиятини акс эттиради.

Даромадлар ва харажатлар ҳисобланган бўлса, шунга қарамасдан ҳужалиқ юритувчи субъект молиявий ҳисоботлар изоҳларида муҳимлик қоидаси асосида ушбу суммани ёритиш масаласини кўриши лозим.

Масалан, бухгалтерия балансида дебиторлик қарзи “Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар” бағди бўйича акс эттирилиши ва шубҳали қарзлар бўйича мавжуд захираларни ҳисобдан чиқариб ташлашни назарда тутган бўлса, тушунтириш хатларида дебиторлик

қарзлари суммаси ва шубҳали қарзлар бўйича тузилган захиралар суммаси ҳам алоҳида кўрсатилади.

Холислик (объективлик) (БҲМС-1 49-50 б.)

Молиявий ҳисобот субъектнинг молиявий аҳволи, фаолиятининг молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида холис маълумот бериши керак.

Холислик қондасига эришиш учун ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби юритишда ва молиявий ҳисобот тузишда БҲМС ва ҳисоб юритишнинг асосий тамойилларини қўллаши лозим.

Фаолиятнинг турли кўринишлари бўйича янгиликлар кириши тезлиги БҲМС ишлаб чиқилмаган муомалалар ва ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолда молиявий ҳисоботнинг холислигига ҳўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу Стандарт асосида мустақил ишлаб чиқиладиган ҳисоб юритиш сиёсатини танлаш ва қўллаш орқали эришилади.

Бунда, ҳисоб юритиш усулларица нисбатан ҳар бир мустақил қарор субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида очиб берилиши лозим.

Молиявий ҳисобот

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади маълум бир ҳўжалик субъектнинг барча ҳўжалик муомалаларини расмий равишда ҳисобда акс эттириш ва маълум бир даврларда фойдаланувчиларга зарурий маълумотларни бериш ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот алоҳида мустақил ҳўжалик юритувчи корхона бўлиши ёки ҳўжалик юритувчи корхоналарнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар бажарадиган ва субъектга таъсир кўрсатувчи молиявий воқеаларни ва муомалаларни кўрсатиш усули ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларнинг мақсади ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидан, унинг фаолиятидан ва субъектнинг пул маблағлари ҳаракати бўйича маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилишлари учун зарурдир.

Молиявий ҳисобот ҳўжалик муомалаларининг хусусияти ва моҳияти жиҳатидан уларни гуруҳларга тузилмавий бирлаштириш натижаси ҳисобланади. Умумлаштириш ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган жуда қисқа

ахборотни тақдим этишдир, чунки молиявий ҳисоботлар банд сифатида ва изоҳларда берилган бўлади.

Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

1-БҲМС (7-банд)га биноан, молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати оқимини (хусусан, пул маблағлари ва улар эквивалентларининг шаклланиш эҳтимоли ва муддатларини) тахмин қилишда ёрдам берадиган, хўжалик субъектининг мулки ва ихтиёридаги ресурслари тўғрисида камида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

— субъектнинг назорати остида бўлган активлар (келажакда нақд пул маблағлари ёки бошқа иқтисодий фойдаларнинг камайиш эҳтимоли асослари) ҳақида;

— субъектнинг пассивлари (келажакда пул маблағлари ёки бошқа иқтисодий фойдаларнинг камайиш эҳтимоли асослари) ҳақида;

— субъектнинг тақсимланмаган даромади, хўжалик юритувчи субъектнинг бир даврдан бошқа даврга ўтишдаги иқтисодий имкониятлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлар (эғалик қилувчиларнинг бадаллари ва эғалик қилувчиларга тўланган тўловлар бундан мустасно) ҳақида;

— пул маблағларининг ҳаракати (келажакда пул оқими ҳаракати мумкинлигининг сифат кўрсаткичи) ҳақида.

Ушбу маълумот молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъектнинг дивидендлари ва фойзалари тўлаш, шунингдек, мажбуриятлари бўйича муддати келган тўловларни тўлаш имкониятларини баҳолашда фойдали бўлади.

Молиявий ҳисоботнинг шаклланиши қисқа вақтда, ҳисобот даври муомалалари туганидан сўнг рўй беради ва хўжалик субъектидан профессионал бухгалтерия биланлари (малакалари) ва кўникмаларидан ташқари, қўшимча маълумотлар тузиш (изоҳлар, ҳисоблашишлар, тушунтиришлар) навбатлилигига риоя қилишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ (16-модда), йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллардан иборат бўлиши шарт:

- бухгалтерия баланси — 1-шакл;
- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-шакл;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот — 3-шакл;

- пул оқими тўғрисида ҳисобот — 4-шакл;
- ўз капитали тўғрисидаги ҳисобот — 5-шакл;
- ... эслагмалар, ҳисоблар ва изоҳлар.

Молиявий ҳисоботнинг ҳар бир шаклини тузиш тартиби алоҳида БҲМС билан тартибга солинади.

Молиявий ҳисоботларнинг изоҳлари тушунтириш хати кўринишида мунтазам равишда тақдим этилиши керак.

Изоҳлардаги маълумотлар тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг ҳар бир тегишли банди кўрсатилган ҳолда берилиши керак.

Изоҳлар одатда қўйидаги мақсадга берилади, яъни фойдаланувчи молиявий ҳисоботларни яхшироқ тушуниш ва уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари билан қиёслашга ёрдам беради, унда қўйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

— ҳисоботнинг БҲМСга мослиги ҳақида иложи борича бу маълумот аудиторлар томонидан тасдиқланиши лозим;

— бухгалтерия ҳисоби сиёсатида қўлланиладиган ўлчовлар асоси тўғрисидаги ҳисобот;

— молиявий ҳисоботларда тақдим этилган моддалар бўйича қўшимча маълумотлар, ҳар бир ҳисобот ва ҳар бир банд бўйича.

Тушунтириш ёзувлари қўйидаги маълумотларни (1-БҲМС, 92.4-банд) ҳам очиб бериши лозим:

— шартли мажбуриятлар, оддий мажбуриятлар ва бошқа молиявий ёритишлар;

— номолиявий ёритишлар.

Молиявий ҳисоботлар тайёрлаш ва бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос сиёсати асослари тўғрисидаги маълумот молиявий ҳисобот изоҳлардан олдин алоҳида ҳисоб кўринишида берилиши керак.

Молиявий ҳисоботта бериладиган тушунтириш ёзувида энг камда лозим бўлган зарурий маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир аниқ (конкрет) стандартининг "Ошкор қилиш" бўлимида келтирилади.

Масалан, тушунтириш ёзувида ҳисоб юритиш сиёсатининг энг кичик бўлимининг акс эттириш билан бирга қўйидаги маълумотларни ҳам (1-БҲМС, 94-96-бандлар) акс эттириш зарур:

— молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилган баҳолашлар асоси (асослари);

— молиявий ҳисоботларни аниқ билишда муҳим аҳамиятта эга бўладиган ҳисоб юритиш сиёсатининг ҳар бир ўзига хос қисми;

— ҳисоб юритиш сиёсатида у ёки бу ўзгаришлар содир бўлганда тушунтириш ҳисоботи.

Агар қандайдир муҳим маълумотлар ҳисоботнинг бошқа шаклларида акс эттирилмаган бўлса, у ҳолда хўжалик субъекти бу маълумотларни тушунтириш ёзувида қўшимча равишда очиқ бериши лозим, масалан:

— хўжалик субъектининг мулк шакли, таъсис этган давлат ва рўйхатга олинган офиснинг юридик манзили (агар манзил рўйхатга олинган офис манзилидан фарқ қилса, у ҳолда тadbир-корлик фаолиятининг аниқ жойи);

— хўжалик субъектлари муомалаларини, уларнинг асосий фаолияти моҳиятини таърифлаш;

— бош компаниялар ёки гуруҳ бош компаниясининг номи;

— ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони.

Молиявий ҳисоботлар тузиш учун фойдаланиладиган ўзига хос ҳисоб юритиш сиёсатида қўшимчаларда фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларда фойдаланиладиган баҳолар (баҳолашлар)нинг асосини (дастлабки қиймат, жорий қиймат, реализация қилиш қиймати ва дисконт қиймати ва баланс қиймати)ни билиш жуда муҳимдир. Бу тамойиллар кўп ҳолларда узлуксизлик ва ҳисоблаш тамойиллари билан ўхшашдир, улар молиявий ҳисоботни тузиш асосини ташкил этади. Улар бу тамойиллардан баъзи ҳолатларда баҳолашларнинг асослари (1-ВХМС, 25-банд) ўртасида танлов мавжудлиги билан фарқ қилади.

Молиявий ҳисоботда субъект ҳисоб юритиш сиёсатини акс эттириш пайтида қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим (1-ВХМС, 96-банд):

— даромаднинг акс эттирилиши;

— консолидация тамойиллари;

— фаолият турларининг уйғунлиги;

— қўшма фаолият;

— моддий ва номоддий активларни ва уларнинг эскиришини (амортизациясини) акс эттириш;

— жалб қилинган маблағлар қийматини капитализация қилиш ва бошқа чиқимлар;

— капитал қўйилмалар;

— инвестицион мулк;

- молиявий қуроллар ва инвестициялар;
- ижара;
- тадқиқотлар ва ривожланиш билан боғлиқ харажатлар;
- товар-моддий заҳиралар;
- солиқлар, кечиктирилган солиқлар;
- заҳиралар;
- хизматчиларни асраб туриш харажатлари;
- чет эл валютасини ўтказиш;
- фаолият турларини, жуғрофий сегментлар ва чиқимларни сегментлар ўртасида тақсимлаш усулларини аниқлаш;
- инфляция ҳисоби;
- ҳукумат субсидиялари.

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботнинг изоҳларида, ҳисобларида ва тушунтиришларида даромадлар ва харажатларни даромадлар, харажатлар ва фаолият турлари таҳлилини гуруҳлаштириб кўрсатиши керак.

Бундан ташқари, субъектлар таҳлил қилинадиган харажатларни фаолият турлари бўйича қўшимча маълумотни харажатлар турлари бўйича ёритишлари керак, унга (амортизация) эскириш билан боғлиқ ходимларни асраш билан боғлиқ бўлган сарфлар хом ашёни, халқ истеъмоли молларининг ишлатилганлиги бўйича қўшимча маълумотларни ёритиши мумкин (БҲМС-1, 85-б.).

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларнинг изоҳлари, ҳисоблари ва тушунтиришларида қуйидаги маълумотларни кўрсатиши зарур (БҲМС-1, 90-б.):

— хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва ҳисоб сийёсати асослари учун турли асосий муомалалар ва ҳодисаларни танлангани ва қўлланилгани тўғрисида маълумот тақдим этиш;

— БҲМС талаб қилган, ҳеч бир молиявий ҳисоботда акс эттирилмаган ахборотни ёритиш;

— молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва ҳаққоний тақдим этиш учун қўшимча таҳлил ахборотларини тақдим этиш.

Турли хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қўй қиррали бўлгани учун, молиявий ҳисоботлар фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилишлари зарур бўлган барча маълумотлар билан таъминлана олмайдилар. Йиллик молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда тузиладиган молиявий шарҳни ўз ичига олиши керак, чунки у хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолиятини, молиявий аҳолини ва улар дуч келган асосий ноаниқликларни тушунтиралади (БҲМС-1, Б-14).

Молиявий шарҳ субъект маъмурияти томонидан тузилади. Бу шарҳ хўжалик субъектнинг молиявий аҳоли ва молиявий фао-

лиятининг асосий белгисини, шунингдек, фойдаланувчи ҳисобот билан танишни жараёнида дуч келиши мумкин бўлган молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни изоҳлаб бериши ва тушунтириши лозим.

Ушбу шарҳда ҳужалик юритувчи субъект фаолияти натижаларига, фаолиятини қўллашга ва мустақамлашга, шунингдек, жорий ва келажак даврлар дивиденд сийёсатига таъсир этувчи асосий омишлар ёритилади, хусусан:

— ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий манбалари ва таваккалчиликни бошқариш мажбуриятларини молиявий бошқариш;

— ҳужалик юритувчи субъект фаолият кўрсатаётган ташқи муҳитнинг ўзгариши, унинг ушбу ўзгаришларга муносабати ва уларнинг ҳужалик юритувчи субъект фаолиятига таъсири (қонун ҳужжатларининг ўзгариш натижаси);

— фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиниши учун муҳим бўлган бошқа маълумотлар.

Қўшимча маълумотлар: изоҳлар, эслатмалар ва ҳисоблар ҳужалик юритувчи субъект томонидан махсус шаклларда ҳам, шунингдек, ихтиёрий кўринишда ҳам тақдим этилади.

Шундай қилиб, зарурият туғилганда статистик ҳисоботнинг шакллари молиявий ҳисоботта бериладиган қўшимча маълумотлар орқали зарурий фойдаланувчиларга тақдим этилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳужалик субъекти раҳбарияти қўшимча маълумотлар сифатида субъект доирасида маълумотларни тақдим этиш шакли ҳисобланувчи жадваллар ва маълумотномаларни тақдим этиши мумкин. Бунда, ушбу маълумотлар БҲМС талабларига жавоб бериши керак.

Айни вақтда, молиявий ҳисоботлар куйидаги асосий идентификацион реквизитларни тўлалигича ўз ичига олиши ва иложи борича бу реквизитлар молиявий ҳисоботларнинг ҳар бир варағида бўлиши лозим (1-БҲМС, 57-59 бандлар):

— субъектнинг номи, мулкчилик шакли, юридик манзили, бўйсунishi, идентификацион рақами ва субъектнинг библиш учун керак бўлган бошқа маълумотлар (реквизитлар);

— алоҳида корхоналарни ёки корхоналар гуруҳининг молиявий ҳисоботларини қамраб олиши, яъни бу ҳисобот жамланган ёки ягона бўлиши лозим. Агар ҳисобот жамланган (бир нечта корхоналар, филиаллар, ваколатхоналар, таркибий бўлинмалар бўйича якуний) бўлса, у ҳолда барча шаклларда "Жамланма" (агар барча бўлинмалар киритилган бўлса) ёки "Субъектлар бўйича якуний" субъектлар сони кўрсатилади. Тушунтириш ёзувида жамланган якуний ҳисоботта киритилган ҳисоботларнинг сони кўрсатилиши зарур;

— молиявий ҳисобот томонидан қамраб олинган ҳисобот куни ёки даври.

Тақдим этилган ҳисобот маълумотларини тўғри тушуниш учун асосий реквизитлардан ташқари, зарурият туғилганда қуйидаги реквизитлар очиб берилиши ва такрорланиши лозим:

— молиявий ҳисоботда қўлланилган валюта ва агар бир нечта валютада ҳисоблаштиш амалга оширилган бўлса, у ҳолда уларнинг ифода этилиши (сўм, АҚШ доллари, немис маркаси ва ҳоказо);

— молиявий ҳисоботларда келтирилган рақамлар учун фойдаланилган аниқлик даражаси, масалан, рақамлар мингларда, миллионларда (минг сўм, млн сўм, АҚШ доллари, минг кубметр ва бошқалар) кўрсатилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар маълум бир ҳисобот даври ёки маълум бир ҳисобот санаси бўйича тузилади. Бунда бухгалтерия баланси ва счётлардаги қолдиқлар бўйича маълумотлар маълум бир санга тузилади, молиявий ҳисобот шакллариининг қолганлари эса маълум бир давр учун тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври 1 январдан 31 декабргача бўлган календарь йили ҳисобланади (1-БХМС, 60-б).

Молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда календарь йилидан фарқли равишда даврлар бўйича (ой, чорак учун) ҳам тақдим этилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот куни ҳисобот даврининг охириги календарь куни ҳисобланади. Субъектнинг йиллик бухгалтерия баланси учун ҳисобот куни 31 декабрь ҳисобланади, молиявий натижалар тўғрисидаги йиллик ҳисобот учун ҳисобот даври 1 январдан 31 декабргача бўлган давр ҳисобланади.

Ҳўжалик субъектининг йиллик молиявий ҳисоботи мулк шаклидан қатъий назар, тўлиқ нусхаларда қуйидаги фойдаланувчиларга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг (1-БХМС, 62-63 банд) 15 февралигача бўлган муддатда тақдим этилиши лозим:

— субъектнинг мулкдори томонидан (давлат мулкни бошқаришга ваколати бўлган органларга, қатнашчиларга, таъсисчиларга) таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжатлар асосида;

— давлат солиқ назорати идораларига субъектни рўйхатдан ўтказилган жойи бўйича;

— давлат статистика органларига;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молиявий ҳисоботни бошқа фойдаланувчиларга тақдим этиш тартиби мустақил равишда ҳўжалик субъекти раҳбарияти (унинг мулкдорлари ва таъсисчилари) томонидан тартибга солинади ва ҳўжалик субъектининг ҳисоб сиёсатида кўзда тутилиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳиссалорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботлари газеталар, журналлар ва бюллетенларда ёки қонунчиликда кўзда тутилган муддатларда алоҳида нашрда этилон қилиниши керак.

Ҳиссадор бўлмаган хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботни фойдаланувчилар учун ҳисоботдаги маълумотлар ўз қийматини йўқотмайдиган (фойдали бўладиган) муддатларда ўз ихтиёри бўйича юқорида санаб ўтилган нашрларнинг бирида қол этилиши мумкин.

Даврий (чорак) ҳисобот таркиби йиллик ҳисоботдан фарқ қилади, яъни ҳисобот шакллариининг сони камроқ бўлади.

Жадвал

Молиявий ҳисоботни тақдим этилишиг даврийлиги

Молиявий ҳисобот шакли	Тақдим этилишиг даврийлиги
Бухгалтерия баланси — 1-шакл	Ҳар чоракда (бир йилда тўрт марта, ҳар чорак учун сўғатларга қолдиқлар бўйича)
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шакл	Ҳар чоракда (бир йилда тўрт марта, ҳар чоракда молиявий йил бошидан бошлаб якуний ўсиш тўғрисида)
Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот — 3-шакл	Йиллик (бир йилда бир марта)
Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот — 4-шакл	Ҳар ярим йилликда (бир йилда икки марта, йил бошидан бошлаб якуний ўсиш билан)
Ўз капиталди тўғрисидаги ҳисобот — 5-шакл	Йиллик (бир йилда бир марта)
Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар	Йиллик (бир йилда бир марта)
Тушунтириш ёзуви	

Чорак йиллик молиявий ҳисобот ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмасдан тақдим этилади.

Ярим йилликнинг молиявий ҳисоботи шу йилнинг 25 июлидан кечикмасдан тақдим этилиши керак.

Бир шаҳарда жойлашган субъектлар томонидан молиявий ҳисоботни тақдим қилиш муддати уни айнан тақдим қилинган кун ҳисобланади, бошқа шаҳардагилар учун эса жўнатилган ва алоқ қорхонаси муҳри билан белгиланган кун ҳисобланади.

Ҳисоботни тақдим этиш куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган тақдирда, тақдим этиш муддати ундан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги баъзи бир хўжалик субъектлари (1-БХМС, 64-банд) учун бу хўжалик субъектлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, улардаги ҳисоб ишининг мураккаблигини (шу билан бирга ҳисобнинг автоматлашганлик даражасини) ўрганиб чиққанидан кейин чорак ва йиллик молиявий ҳисоботнинг тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилайди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги агар хўжалик субъектида ҳисоб иши автоматлаштирилмаётган бўлса ва шу сабабли молиявий ҳисобот юқорида кўрсатилган муддатларда тақдим этилмаётган бўлса, у ҳолда ҳисоботни тақдим этиш муддатини узайтиришни рад этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши, ишончлилиги ва ўз вақтида топширилиши учун жавобгарлик ташкилотда бухгалтерия ҳисобини таъкил қилувчи хўжалик субъектининг раҳбари зиммасига юклатилади.

ВВЕДЕНИЕ

Активное участие Узбекистана в деятельности различных международных организаций, стремление к интеграции с мировым экономическим сообществом требуют сопоставимости экономических показателей наших и зарубежных, при обеспечении единства методологических принципов учета с принятыми в мировой практике.

Как известно, в Республике Узбекистан действует Закон "О бухгалтерском учете" (от 30.08.1996 г.), по оценкам международных экспертов, — законодательный акт международного уровня.

Развитие бухгалтерского учета в республике требует реформирования учета. Реформирование бухгалтерского учета, т.е. процесс его преобразования, а не коренной ломки, осуществляется в Узбекистане уже в течение нескольких лет в связи с переходом к рынку.

В целях обеспечения дальнейшего проведения реформ в области бухгалтерского учета и отчетности необходимо разработать и ввести в действие Национальные стандарты бухгалтерского учета (НСБУ), что позволит решить ряд экономических проблем.

Основная цель НСБУ — ликвидация разницы в понимании учетной политики и отчетной информации национальными и зарубежными специалистами, т.е. достижение гармонизации бухгалтерского учета, для чего необходимо, в первую очередь, создать национальную систему нормативного регулирования бухгалтерского учета на основании международных требований.

За основу НСБУ взяты международные стандарты. Следует заметить, что НСБУ разработаны с учетом потребностей и особенностей национальной экономики.

НСБУ, имеющие соответствующий правовой статус и отвечающие требованиям международной практики, — основное условие международного признания качества и достоверности бухгалтерского учета в республике, обеспечивающее доверие к финансовой отчетности предприятий всех форм собственности.

ВВЕДЕНИЕ

Активное участие Узбекистана в деятельности различных международных организаций, стремление к интеграции с мировым экономическим сообществом требуют сопоставимости экономических показателей наших и зарубежных, при обеспечении единства методологических принципов учета с принятыми в мировой практике.

Как известно, в Республике Узбекистан действует Закон "О бухгалтерском учете" (от 30.08.1996 г.), по оценкам международных экспертов, — законодательный акт международного уровня.

Развитие бухгалтерского учета в республике требует реформирования учета. Реформирование бухгалтерского учета, т.е. процесс его преобразования, а не коренной ломки, осуществляется в Узбекистане уже в течение нескольких лет в связи с переходом к рынку.

В целях обеспечения дальнейшего проведения реформ в области бухгалтерского учета и отчетности необходимо разработать и ввести в действие Национальные стандарты бухгалтерского учета (НСБУ), что позволит решить ряд экономических проблем.

Основная цель НСБУ — ликвидация разницы в понимании учетной политики и отчетной информации национальными и зарубежными специалистами, т.е. достижение гармонизации бухгалтерского учета, для чего необходимо, в первую очередь, создать национальную систему нормативного регулирования бухгалтерского учета на основании международных требований.

За основу НСБУ взяты международные стандарты. Следует заметить, что НСБУ разработаны с учетом потребностей и особенностей национальной экономики.

НСБУ, имеющие соответствующий правовой статус и отвечающие требованиям международной практики, — основное условие международного признания качества и достоверности бухгалтерского учета в республике, обеспечивающее доверие к финансовой отчетности предприятий всех форм собственности.

Закон Республики Узбекистан "О бухгалтерском учете" и НСБУ будут способствовать широкой правовой базе развития бухгалтерского учета в условиях рыночной экономики, и следовательно, — привлечению иностранных инвестиций.

Изучение требований инопартнеров показало, что следует создать единую концепцию бухгалтерского учета и финансовой отчетности, в которой будет отражено движение вложенного иностранного капитала в соответствии с международными требованиями и будет понятно инвесторам. Это окажет влияние на построение учета, обуславливая необходимость такой детализации данных, которые вытекают из потребностей системы управления предприятиями и внешними потребителями информации.

До принятия и регистрации НСБУ методология организации бухгалтерского учета и отчетности основывалась на Положении, принятом постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 26 марта 1994 г., №164. В течение последних лет в системе бухгалтерского учета произошли изменения, вследствие чего указанное выше постановление отменено Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5.02.1999 г., №54.

На основании статьи 5 Закона "О бухгалтерском учете" Управление методологии бухгалтерского учета и аудита Министерства финансов совместно с проектом Европейского Сообщества "TACIS" с февраля 1997 г. приступило к разработке Национальных стандартов бухгалтерского учета Республики Узбекистан.

На сегодняшний день разработаны и утверждены 18 стандартов, из них 15 зарегистрированы в Министерстве юстиции.

